



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ**

**Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган
муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан
бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли
Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида**

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар резервга бўшатилин.

2. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2006 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервга олинсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Давлат тест маркази билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва ҳолисона тиббий кўрикдан ўтказилишини, уларнинг маънавий-руҳий фазилатлари ва интеллектуал ривожланиш савияси қонунчиликда белгиланган танловнинг ҳарбий-касбий мезонларига қатъий мувофиқ равишда ўрганиб чиқилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан резервга бўшатиш фуқароларни ишга жойлаштириш комплексе чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар, улар учун хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари олдидан тайёрлаб кўйилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Р.Мирзаев), Ички ишлар вазирлиги (Б.Матлюбов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), ҳарбий округлар кўшинлари кўмондонлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартдаги “Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервга бўшатиш ҳарбий хизматчиларни

яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида”ги 84-сон қарори талабларига қатъий равишда муддатли ҳарбий хизматга чақирилишини, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилишни, шунингдек резервга бўшатиш ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил қилишни;

армияга кузатиш, ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ёшларни кутиб олиш маросимлари кенг жамоатчилик, фахрийлар, маданият арбоблари, артистлар жамоаларининг иштироки билан тантанали вазиятда ўтказилишини таъминласинлар. Бундай тадбирларни амалга ошириш армияга чақирилувчилар ва хизматни ўтаб келган ёшлар, уларнинг ота-оналари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши, ёшларни маънавий-ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш самарадорлигини оширишга ёрдам бериши керак.

5. Мудофаа вазири (Р.Мирзаев) шу йилнинг 1 июлигача муддатда:

мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари ўртасида 2006 йил баҳоридаги муддатли ҳарбий хизматга фуқароларни чақириш ҳамда ҳақиқий ҳарбий хизматдан бўшаш тадбирларини энг яхши ўтказиш мусобақаси якунларини чиқарсин;

мусобақа ғолибларини маънавий, моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини назарда тутиш ва амалга оширсин. Фуқароларни ҳарбий хизматга чақириш, армия хизматини ўтаб бўлган ёшларни Қуролли Кучлар резервга бўшатиш тадбирларини ўтказиш борасидаги вазифалар ҳамда кўйилган талабларнинг сифатли бажарилишини таъминламаган бўлинмалар ва уларнинг раҳбарлари ишига танқидий баҳо берилсин.

6. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Ходжаев), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов)га чақирилувчиларни муддатли ҳарбий хизматга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервдаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатиш ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби М.Атаев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 3 март.

**Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ**

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани (Москва, 2005 йил 14 ноябрь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 6 март.

**Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ**

Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 март.

**Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ**

Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённомани (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 9 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида 2000 йил 10 октябрдаги Шартномага қўшилиши тўғрисида Баённома (Санкт-Петербург, 2006 йил 25 январь) ратификация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 7 март.

**Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ**

ГҲУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 25 февралда маъқулланган

ГҲУОМ иштирокчи давлатларнинг консуллик масалалари бўйича ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида Конвенцияни (Ялта, 2001 йил 7 июнь) денонсация қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 9 март.

БУГУН ЎЛКАМИЗДА ҲАШАР



Ҳашар — Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган удумларимиздан бири бўлиб, қадимдан ўзбек халқи ҳаётида муҳим ўрин тутиб келган. Ҳашар бу кўпчиликнинг бир ёқадан бош чиқариб, бир мақсадда биргаликда ҳаракат қилишидир.

Ҳашар баҳорда кўчаларни тозалаш, кўчатлар экиш, ариқлар очиш, йўللар қуриш, мазорларни ободонлаштириш, кўприклар қуриш, жамоат жойларини тартибга келтириш, шиғохоналар қуриш борасида ҳам кўпчиликка фойда келтирган.

Ҳозирда ушбу хайрли удумимиз умумхалқ ҳашари сифатида ҳар йили баҳорнинг илк кунларида ташкиллаштирилади.



POSTDA.TV



**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун
20-БЕТ

АЁЛНИ УЎҚУЛАБ



Гўзал баҳорнинг илиқ нафаси уфуриб турган, табиат жонланиб, уйғонаётган кунларга ҳамоҳанг равишда республикамизнинг ҳар бир гўшасида 8 Март — Халқаро хотин-қизлар байрами тадбирлари ўтказилди.

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий Академик драма театрида ҳам Ички ишлар вазирлиги тизимларида хизмат қилаётган аёллар учун қутлуғ айёмга бағишланган тантана бўлиб ўтди.

Унда Республика Бош вазири ўринбосари, республика хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова қатнашиб, бир гуруҳ ходимларга Фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғаларни топширди.

Сўзга чиққан Ички ишлар вазири



ўринбосари, генерал-майор Т. Худайбергенов машаққатли, аммо шарафли касбни эгаллаб, эркаклар билан ёнма-ён туриб, вазифаларини сикдидилдан бажариб келаётган аёлларнинг шижоати, фидойилигини эътироф этди. Тинчлик-осойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни кучайтириш, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келаётган бир гуруҳ хотин-қизларга қимматбаҳо совғалар топширди.

Ҳаваскор ёшлар томонидан ижро этилган куй-қўшиқ ва рақслар тантананага ўзгача файз бағишлади.

Ўз мухбиримиз.

Суратларда: байрам тантанасидан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

КАСАБА УЮШМАСИ ҲАЁТИ

ҲАМКОРЛИК — ОСОЙИШТАЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашида мунтазам ўтказиб келинаётган ўқув семинарининг навбатдаги машғулоти республика ИИВ Бирлашган касба уюшмаси қўмитаси томонидан ташкил этилди.

Семинар-машғулот иштирокчилари ҳузурда республика ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш Бош бошқармаси катта инспектори, подполковник Р. Хван ички ишлар хизматининг ишончли таянчи бўлган профилактика инспекторларининг фаолияти хусусида маъруза қилди. У жойларда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда жамоатчилик билан ички ишлар ходимлари, хусусан, профилактика инспекторларининг ҳамкорлиги яхши натижалар бераётганлигига алоҳида тўхталди. Маърузачи йиғилганларнинг қизиқтирган саволларига батафсил жавоб берди.

Пировардида, Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳ. Бахтиёров ички ишлар ходимларининг машаққатли хизматлари ҳақида тўхталиб, жамоат ташкилотларининг уларга ёрдам беришлари, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Ўз мухбиримиз.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЁШЛАРГА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛДИ

Кейинги йилларда мамлакатимизда Куролли Кучлар фаолиятини янада такомиллаштириш, муддатли ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳарбий хизматни ўташ мамлакатимиз ёшлари учун юксак ватанпарварлик фазилатлари шаклландирган, жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқиш мактаби сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, Куролли Кучлар сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ҳамда белгиланган намунадаги тавсияномаларга эга бўлган фуқаролар учун республика олий ўқув юрларига ўқишга киришда тест синовларида тўпланадиган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорда қўшимча балл шаклида имтиёз берилиши белгилаб қўйилган.

Ушбу Қарор жойлардаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларда хизмат қилаётган, шунингдек, ҳарбий хизматни ўтаб қайтган мамлакатимиз ёшлари учун республика олий ўқув юрларига ўқишга кириш жараёнида катта имконият яратиб берди. Унга мувофиқ белгиланган имтиёз нафақат ҳарбий қисм қўмондон-

лигининг тегишли тавсияномасига эга шахсларга, шунингдек, 2005 йилнинг декабрига қадар Куролли Кучлар захирасига бўшатирилган ва ҳарбий қисм қўмондонлигининг эски намунадаги тавсияномасига эга фуқароларга ҳам берилди. Тегишли намунадаги тавсияномаларни олиш учун ҳақиқий ҳарбий хизматни ўтаётган шахслар ўрнатилган тартибда жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарлиги бўйича ўтказиладиган имтиҳонларда юқори натижаларга эришган ҳамда намунали хулққа эга бўлишлари лозим.

Бугунги кунда республикамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида Республика Ички ишлар вазирлигига қарашли олий таълим муассасалари — Академия, Тошкент Олий ҳарбий-техник билим юрти ҳамда Ёнғин хавфсизлиги Олий техник мактабига ўқишга кириш учун 2006 йилда бўлиб ўтадиган танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодларни ўрга-

ниш, танлаш ва шахсий ҳужжатларини расмийлаштириш ишлари бошлаб юборилган.

Маълумки, Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига қабул имтиҳонлари жорий йилнинг 10 июлида ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази орқали ўтказиладиган тест синовларининг натижаларига кўра зарурий миқдорда балл тўплай олган абитуриентлар ўқишга қабул қилинадилар. Жойлардаги ҳарбий қисм ва бўлинмаларнинг тегишли тавсияномасига эга бўлган шахсларнинг имкониятлари тест синовларини яқинида кўра анча юқори бўлади.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш лозимки, қабул имтиҳонлари натижаларига кўра, етарли балл тўплай олмаган абитуриентлар 2006 йилнинг 1 августидан республикамизнинг бошқа ўқув юрларига кириш учун ўтказиладиган танловларда қатнашиб, ўз билимларини яна бир бор синая кўриш имкониятига эга.

Ички ишлар вазирлиги олий таълим муассасаларига кириш хоҳишини билдирган фуқаролар яшаш жойларидаги вилоят, шаҳар, туман ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)га шу кунларда мурожаат қилишлари ва қабул шартлари, тартиби ва қоидалари тўғрисидаги маълумотларни олишлари мумкин.

Баҳодир ПҮЛАТОВ,
подполковник.

Генерал-майор Учқун Содиқович РАҲИМОВ

Бешафқат ўлим ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги генерал-майор, республика ИИВ Фахрийлар кенгаши аъзоси, устоз Учқун Раҳимовни 76 ёшида орамиздан олиб кетди.

Учқун Раҳимов 1930 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Дастлаб тўлиқсиз ўрта мактабда, сўнгра Тошкент енгил саноат техникумида ўқиди. 1950 йилда Давлат хавфсизлик хизматининг Тошкент шаҳридаги тезкор таркибни тайёрлаш мактабига ўқишга қабул қилинди. Шу тариқа унинг ҳарбийликдаги фаолияти бошланди. У серҳаракат, вазифасига ўта масъул ва сикдидилдан ёндашадиган ходим сифатида танилди. Ўқиб-ўрганиб, тажриба орттирди. У. Раҳимов давлат хавфсизлик хизматининг аввал Хоразм, Бухоро, сўнгра Тошкент вилояти бошқармаларига раҳбарлик қилди.

Учқун Раҳимов 1985 йил май ойида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари этиб тайинланди. Шу йил декабрь ойидан эса вазир лавозимида хизмат қила бошлади. Қарийб тўрт йил давомида республикада жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ишларига раҳбарлик қилди. Кўплаб жиноятларнинг олдини олиш ва уюшган жиноий гуруҳларни фош этишда жонбозлик кўрсатди.

У. Раҳимов пенсияга чиққандан кейин ҳам ички ишлар хизматида қолди. У ИИВ Тошкент Олий мактаби, сўнгра ИИВ Академиясида курсантларга ички ишлар хизмати тезкор-қидирув тизими фаолиятдан сабоқ берди. Бой тажрибаси, билими ва маҳоратини ёшларга ўргатди. Қарийб ўн тўрт йил давомида олий ўқув юртида кўплаб шогирдлар тайёрлади.

Учқун Раҳимов ИИВ Фахрийлар кенгашининг фаол аъзоси эди. Ёшларни Ватанга, касбига, вазифаси, бурчига садоқатли этиб тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшди.

Учқун Раҳимов ички ишлар идораларининг мард-жасоратли, тажрибали, толмас ходимларидан бири эди. У кўп йиллик самарали хизматлари учун муносиб тақдирланган, орден ва медаллар билан мукофотланган.

Устоз мураббий, истеъфодаги генерал-майор Учқун Раҳимовнинг порлоқ хотираси қалбларимизда мангу яшайди. Марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳайъати, раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.



ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА ТАНТАНА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан 1999 йил 4 мартда Ички ишлар вазирлигининг Қоровул қўшинлари ташкил топган эди. Ушбу тарихий санага ҳам етти йил тўлди. Шу муносабат билан тадбир бўлиб ўтди. Уни Қоровул қўшинлари қўмондони, полковник Нодиржон Сулейманов қисқача кириш сўзи билан очди.

Нисбатан қисқа давр мобайнида ушбу тузилма жазони ижро этиш муассасаларини қўриқлаш, улардаги тартибсизликлар ва қонунбузарликларнинг олдини олиш, маҳкумларни тарбиялаш каби масъулиятли вазифаларни бажариб келмоқда. Қуролли кучларда ўтказиладиган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Бўлимлар малакали кадрлар билан жамланди. Шартнома асосида хизмат қиладиганлар сони ортди.

Ўтган йиллар бўлимларнинг жанговар қобилиятини, шахсий таркибнинг маҳоратини ошириш йўлида изланиш йиллари бўлди. Хизматда фидойилик ва жасорат намуналарини кўрсатган, ўз халқига чексиз муҳаббатлари, садоқатларини амалда намойиш этган аскарлар, сержантлар, офицерлар Ватанимизнинг турли юксак мукофотларига сазовор бўлишган.

Бугунги кунда муддатли ҳарбий хизматни ўтайдиган аскарларга яратилган шароитлар ҳавас қилса арзигулик. Улар истеъмол қиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари тўйимли, дар-

мондориларга бой бўлишига катта эътибор берилмоқда. Маданий ҳордиқ чиқаришлари, дам олишларини мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар яратилган. Уларнинг жисмонан чиниқишлари мақсадида янги спорт мажмуалари қурилиб, турли мусобақалар уюштириляпти. Республика ИИБ ҚҚББ шахсий таркиб билан ишлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Муид Фозилов ўз маърузасида ана шулар ҳақида гапирди.

Шунингдек, республика Ички ишлар вазирлиги Тошкент Олий ҳарбий-техник би-



лим юрти бошлиғи, генерал-майор Шуҳрат Ниёзов, ИИБ жазони ижро этиш Бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, полковник Ваҳоб Эргашев, Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари Бирлашган штаби бошлиғи ўринбосари, полковник Жалолiddин Атабуллаев, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия подполковниги Саид Жўраев, Қоровул қўшинлари фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Евгений Жуковский ва бошқалар йиғилганларни касб кунини билан табриклаб, уларнинг кел-

гуси ишларига муваффақиятлар тилашди.

Хизматда ўрнатилган бир гуруҳ ҳарбийлар ва шахсий таркибни юксак ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшаётган фахрийлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Қоровул қўшинлари қўмондонининг буйруқларига кўра мукофотландилар. Шунингдек, аскарларга Бектемир тумани ҳокимлигининг ҳам эсдалик совғалари топширилди. Тадбир сўнггида йиғилиш қатнашчиларига санъаткорлар томонидан катта концерт намойиш этилди.

Фуркат ХОЛИҚУЛОВ.

ҚЎЛ КЕЛАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Тошкент шаҳар ИИББ тергов бошқармаси коррупция, товламачилик ва ўзгалар мулкни талон-тороғ қилиш билан боғлиқ жиноятларни тергов қилиш бўлими ходимлари зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан адо этишяпти. Утган йил давомида тамомланган ва судларга юборилган жиноят ишлари қўшимча терговга қайтариш ҳолатларига йўл қўйилмагани, ҳар бир жиноят иши бўйича тегишли идораларга тақдимномалар юборилаётгани бу борадаги ютуқлар самарасини таъминламоқда. Ходимлар бошқарманинг барча қўйи тизимларида иқтисодийга оид жиноятларни тергов қилиш бўйича соҳавий назорат олиб боришяпти. Шунингдек, тергов мукаммаллигини таъминлаш борасида амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Улар жиноятчиликка қарши курашда ҳам фаолдирлар, — дейди биз билан суҳбатда бўлим бошлиғи, полковник Равшан Ажибеков. — Терговчиларимиз асосан иқтисодий соҳасидаги жиноятлар, яъни тадбиркорларга нисбатан товламачилик, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиш, қалбаки пул ва қимматли қоғозлар ясаш, валюталарни қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши каби жиноятлар бўйича дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришяпти.

Тергов жараёнида иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар атрофлича ва ҳолисона текшириб чиқилмоқда. Бу борада юзага келган ҳар қандай масалани ҳал этишда айбланувчини фош қиладиган, уни оқлайдиган, жавобгарлигини енгиллаштирадиган ёки оғирлаштирадиган ҳолатларни аниқлашга тўғри келади.

Қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги ва одиллик фаолиятимизнинг асосий мезонларидир, — дея суҳбатда қўшилди бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник Д. Камолов. — Биз Тошкент шаҳар ИИББ жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси коррупция, товламачилик ва рақетга қарши курашиш бўлими ходимлари ҳамда бошқа хизматлар билан мустақкам ҳамкорлик ўрнатганмиз. Бу эса жиноятлар ўз вақтида фош этилишида муҳим омил бўлмоқда.

Ўрни келганда бир мисол келтириб ўтсак. С. Зайниддинов (исм-шарифлар ўзгартирилган) тасарруфидаги «Ўзбегимева» савабизотбизнес» шўба корхонасига Б. Исоқовни раҳбар этиб тайинлаб, «Са-ноат қурилиш банк»нинг туман бўлими-

дан 80 млн. сўм кредит олади. Ушбу маблағни мақсадсиз йўналтириб, уюшган гуруҳ таркибида талон-тороғ қилиш йўли билан ўзлаштириб юборган бўлса-да, банк ходими ажратилган кредит маблағлари кредит шартномасида кўрсатилган мақсадга ишлатилган, деб сохта ҳужжатлар тузган.

Мазкур ҳолат юзасидан Б. Исоқовнинг аризасига асосан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят иши ўта мураккаб бўлгани ва катта ҳажмдаги тергов ҳаракатлари олиб борилиши инobatга олиниб, тезкор-тергов гуруҳи тузилади. Унга тергов бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник Д. Камолов раҳбарлик қилади.

Дастлабки тергов-суриштирувларда С. Зайниддинов ўз манфаати йўлида қатор жиноятлар «сценарий»сининг муаллифи ва бош ижрочиси эканлиги маълум бўлди. Уюшган гуруҳ томонидан банк идораларидан олинган кредит маблағларининг 470 млн. сўми ўзлаштирилиб, талон-тороғ қилинган. Шунингдек, хусусий корхоналардан 6,8 млн сўм, фуқароларга тегишли 9,1 млн сўм маблағ фирибгарлик йўли билан қўлга киритилгани ойдинлашди. Уларга суд томонидан тегишли жазо берилди.

Бу каби мисолларни бўлимнинг синчков ва жонқуяр ходимлари фаолиятдан кўплаб келтириш мумкин. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли ўзлаштирилган пул маблағлари ўз эгаларига қайтарилаетир. Шунингдек, содир этилган жиноятлар бўйича жабрланувчилар ва давлатга етказилган моддий зарарни қоплаш чоралари кўрилмоқда. Ўтган йили аниқланган зарарнинг асосий қисми ундирилишига эришилди.

Азизжон ФАЙЗИЕВ.

Хуқуқ тартибот идоралари фаолияти билан чамбарчас боғланиб кетган, таъбир жоиз бўлса, бу тизимнинг негизи, деб аташга лойиқ айрим хизматлар борки, уларсиз юз берган жиноятларни очиш мураккаб бўларди. Ана шундай ўта зарур ва муҳим соҳалардан бири эксперт-криминалистикадир.

Самарқанд вилояти ИИБ эксперт-криминалистика бўлими ходимлари ўтган йили тўрт мингга яқин воқеа жойини кўздан кечиришда иштирок этиб, эътиборини тортади ва улар далилий ашё сифатида олинади.

Суд-тиббий экспертиза-да мурданинг танасига ўқ билан бирга қоғоз парча-

да ташкил этиш ва воқеа жойининг ўзида ҳуло-са чиқариш имконини беради.

ЖИНОЯТ ВА ЭКСПЕРТИЗА

соҳасида кўпроқ излар ким томонидан қолдирилган, имзолар ким томонидан бажарилган, деган саволларга жавоб беришга тўғри келади, — дейди вилоят ИИБ эксперт-криминалистика бўлими бошлиғи, подполковник Ш. Турсунов.

Бўлимимизда ўз ишининг устаси, баллистика ва хатшунослик соҳасида катта тажриба тўплаган, кўп йиллардан бери шу соҳада ишлаб, ўта мураккаб жиноятларни очган ходимларимиздан бири подполковник Х. Умаровдир. Иштихон тумани ҳудудида қурол билан отиб ўлдирилган шахснинг мурдаси топилди. Воқеа жойи кўздан кечирилганда йўл ёқасида ётган қоғоз парчалари экспертнинг

си кириб кетганлиги маълум бўлади. Воқеа жойидан олинган ва мурданинг танасидан топилган қоғоз парчалари илгари бир бутунни ташкил этгани, ёзуви ҳам бир-би-

рига тўғри келиши эксперт томонидан тасдиқланади.

Ушбу қоғоз парчаларидаги ва гумондорларнинг ёзувлари таққослаб кўрилиб, тез орада қотиллик фош этила-

ди ва жиноятчи қилмишига яраша жазо олади.

Албатта, ҳозирги пайтда жиноятни очиш услублари анча ривожланган. Бу борада техника воситаларининг такомиллашиб бораётгани ўта аниқ маълумотни олишда қўл келмоқда. Шулардан сўнгги нусхаси автомашина салонига жойлаштирилган кўчма экспертиза-криминалистика лабораторияси бўлиб, у эксперт-криминалистика фаолиятини аъло даража-

да ташкил этиш ва воқеа жойининг ўзида ҳуло-са чиқариш имконини беради.

Яқинда қўл-бармоқ излари бўйича жиноятчиларни аниқлашда муҳим аҳамият касб этувчи автоматлаштирилган дактилоскопик таққослаш тизими «АДИС-СОНДА» компьютер тизими ишга туширилди ва бу ишда анча қулайлик яратди.

Қисқа қилиб айтганда, соҳа замон талабларига мос тушадиган жиҳозлар билан таъминланган экан, бу ўз навбатида содир этилаётган жиноятларни тезкорлик билан аниқлаш, очилишига катта имконият яратади, хизмат самарадорлигини янада оширади.

Шерзод БУРҲОНОВ,
катта лейтенант.



Ҳозирда ички ишлар идораларининг энг қуйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларини ҳар томонлама етук, ташаббускор, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси, ақл-идроки етадиган профилактика инспекторлари билан жамлашга алоҳида эътибор берилаяпти.

Аммо айрим осойишталик посбонлари ва уларга раҳбарлик қилаётган масъул ходимларнинг дунёқараши ва билим савияси давр талабига жавоб бермаслиги, жавобгарликни тўлиқ ҳис қилишмаётгани, ўзларига юклатилган вазифаларни етарли даражада бажара олмаётганликлари профилактика хизмати самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани кузатиламоқда. Буни инобатга олган ҳолда республика Ички ишлар вазири тас-

БИЛИМ, МАҲОРАТ ВА ЕТУКЛИК СИНОВИ

диқлаган Низом асосида милиция таянч пунктларида фаолият юритаётган профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторлари ва вилоят, шаҳар, туман ИИБ ҲООБ аппарати ходимлари тест синовлари ва суҳбатлардан ўтказилди. Ўзига хос имтиҳонлар бешта минтақа бўйича вазирликнинг малякали ходимларидан тунзилган ишчи гуруҳлари томонидан, тасдиқланган

жадвал асосида қабул қилинди. Уларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, Транспорт ва вилоятлар ИИБлари бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари, ШТБМИ, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва тиббиёт хизматлари бошлиқлари, шахсий таркиб билан ишлаш хизматлари бошлиқларининг жисмоний ва жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосарлари иштирок этишди. Республика бўйича профилактика хизмати ходимларининг билими, касб ва жанговар маҳорати, сиёсий онги, етуклиги қай даражада эканлиги аниқланди.

Хўш, ушбу тадбир қандай ташкил этилди? Таъкидлаш жоизки, аввало, синовга жалб этилган профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш инспекторларининг хизмат фаолияти, қонунчилик ва хизмат интизомига риоя этиши, таъмағирлик, порахўрлик ҳамда маиший бузуқликка мойиллиги бор-йўқлиги, маҳалладаги обрўси, фуқароларнинг унга нисбатан билдирган фикри ва муносабати тезкор хизматлар орқали

ҳамда аҳоли орасида сўровнома ўтказиш йўли билан ўрганиб чиқилди.

Ходимлар жисмоний ва жанговар тайёргарлик бўйича белгиланган нормативларни ҳам бажаришди. Бунда спорт тўсинида тортилиш, 100 ва 3000 метр масофага югуриш, қўл жанги усуллари, «Калашников» автомати ва «Макаров» тўппончасидан фойдаланиш юзасидан ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Бажарилган ҳар бир машқ учун балл белгилаб борилди.

Шундан сўнг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимларининг хизмат тайёргарлигини текшириб кўриш учун уларга сўров варақаси ва тест саволлари тарқатилди.

— Саволлар кўпроқ соҳамизга тааллуқли эканлиги эътиборимни тортди, — деди тест синовлари ва суҳбат бўйича яхши натижага эришиб, юқори лавозимлар захирасига киритилган, Бухоро вилояти, Шофиркон тумани ИИБ ҲООБ профилактика катта инспектори, майор Исмоил Назаров. — Шунингдек, тестдан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Давлат рамзлари, Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекслари бўйича ҳам саволлар ўрин олгани маъқул бўлди. Чунки профилактика инспектори сиёсий жиҳатдан етук ва етарли ҳуқуқий билимга эга бўлмас экан, аҳоли ўртасида профилактик ишларни тўлақонли олиб боролмайди.

— Дикқатимни тортгани, — деди Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани ИИБ ҲООБ профилактика инспектори, катта лейтенант Турсунбой

Хайтназаров, — республика ИИБ марказий комиссияси ва ишчи гуруҳи аъзолари тестга фуқаро жароҳат олганда, ҳушидан кетганда, қўл-оёғи куйганда, совуқда қолиб кетганда унга қай йўсинда бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам саволлар киритишди. Ахир бундай ҳолатларга кундалик иш фаолиятимиз давомида ҳар қадамда дуч келишимиз мумкин. Шу боис, муайян малакага эга бўлишимиз фойдалан холи эмас.

Тест синовларидан сўнг ИИБ ишчи гуруҳлари ва жойлардаги тегишли хизматларнинг масъул раҳбарлари иштирокида ҳар бир ходим билан суҳбат ўтказилди. Уларнинг фаолиятига баҳо беришда интизомга риоя қилиши, минтақадаги жиғимой-сиёсий ва криминоген вазият, корхона, ташкилот, муассасаларни билиши, милиция таянч пунктида ички ишлар идораларининг соҳавий хизматлари ходимлари билан ҳамкорлиги, меъёрий ҳужжатларни тўғри юритиши, ҳудудда яшовчи диний-экстремистик оқим аъзолари, оила аъзолари ва уларга хайрихоҳлик билдирувчи шахслар тўғрисида маълумотга эга эканлиги, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тадбирлар ва шунга ўхшаш кўплаб жиҳатлар инобатга олинди.


Жами 119 дан ортиқ баллни қўлга киритиб, яхши кўрсаткичга эришган 5620 нафар ходим синовдан муваффақиятли ўтди. Керакли баллни тўпламаган ва суҳбатдан ўта олмаган ходимларнинг эгаллаб турган лавозимига лойиқлиги навбатдан ташқари шаҳодатлаш тариқасида кўриб чиқиладиган бўлди. Синовлардан шартли ўтказилган ходимларнинг касб маҳорати, ҳуқуқий билими, сиёсий онги ва дунёқарашини ошириш мақсадида минтақавий ўқув машғулотлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Шунингдек, ёш ходимлар-

нинг касб маҳоратини ошириш учун уларга катта ҳаётий тажрибага эга бўлган мураббийлар тайинлаш чораси кўрилди.

— Тест синовлари ва суҳбатлар натижалари профилактика инспекторларининг билими, савияси, маҳорати замон талаблари даражасида ошиб бораётгани, шунингдек, халқ билан ҳамнафас ишлашга эришилган кўрсатди, — деди республика ИИБ ҲООББ профилактика инспекторларига услубий ёрдам кўрсатиш ва мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Убайдулла Салимов. — Ўтказилган тадбирлар давомида Қашқадарё, Сурхондарё ва Бухоро вилоятларининг чегара ҳудудлари, Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳри марказидан 250-300 км. олисдаги энг чекка овулларида иш олиб бораётган профилактика инспекторлари ўз ҳудудларида тинчлик, осойишталикни таъминлаш, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишда муносиб ютуқларни қўлга киритишга эришгани яққол намоён бўлди. Синовлар шунингдек, айрим осойишталик посбонлари соҳага оид меъёрий ҳужжатларни талаб даражасида билмаслиги, сиёсий онги ва дунёқараши етук эмаслиги, баъзан интизомсизликка йўл қўяётгани, керакли статистик маълумотларга эга эмаслигини кўрсатди. Демак, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп.

Тест синовлари ва суҳбатлар ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати ходимлари фаолиятини давр талаблари даражасида баҳолашда ўзига хос кўрик вазифасини ўтади, десак янглишмаймиз. Шунга ўхшаш тадбирлар бевосита халқ ичида иш олиб бораётган ички ишлар ходимларининг масъулияти ва фаоллигини оширишига шубҳа йўқ.

Саъдулла ШОДИЕВ.



Кейинги пайтда республика ИИБ раҳбариятининг эътибори туфайли, бизга маҳалларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг вакиллари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ходим сифатида қаралаяпти. Бу катта ишонч, албатта. Шу соҳада кўп йиллардан бери ишлаб келаётган ходимларнинг айтишича, шу пайтгача профилактика инспекторига бунчалик кўп ваколат берилмаган экан.

Яқинда вилоят ички ишлар бошқармаси раҳбарияти томонидан барча профилактика инспекторлари оила аъзолари билан бирга йиғилиб, ажойиб тадбир ўтказилди. Яхши ишларимиз қайд этилди, муносиб ходимларга мукофотлар, фахрий ёрликлар берилди. Хизмат ёшига тўлганлар тантанали равишда нафақага кузатилди. Вилоят ИИБ матбуот гуруҳи ходимлари суратга олган, профилактика бўлиб ишлаётганимга уч йил бўляпти. Ўтган вақт ичида ус-тозларим, майорлар Матчонбой

фильм кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди. Қалбимизда қилаётган ишимиз учун фахрланиш ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Хизматимизга бўлган бундай эътиборни кўрган оила аъзоларимиз, айнақса, фарзандларимиз олдида обрўимиз ошди, десам му-болага эмас.

Энди ўзим ва мен хизмат қилаётган ҳудуд ҳақида гапирсам. Профилактика инспектори бўлиб ишлаётганимга уч йил бўляпти. Ўтган вақт ичида ус-тозларим, майорлар Матчонбой

Жумабоев, Мадамин Матёкубов, капитан Рашид Курбонов, катта лейтенант Қўзибой Рўзимовлар ёрдамида анча тажриба орттирдим. Шу боис, аҳоли ўртасида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда муносиб ютуқлар қўлга киритилаяпти, деб ўйлайман.

Қишлоғимиз «Гулобод» номи билан аталади. Мазкур гўшада 8150 нафар аҳоли яшайди. Асосан пахтачиликка ихтисослашган. Айни вақтда «Ўзбекистон»

ширкат ҳўжалиги таркибида фермерлар уюшмаси ташкил этилган. Тўртта умумтаълим мактаби бор. Бу жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этилапти. Ҳудудда фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктида ҳамкасбим, лейтенант Баҳодир Ҳайитов билан хизмат қилаяп-миз. Режа асосида жамоат ташкилотлари ва аҳоли билан яқин муносабатлар ўрнатилган. Қишлоқ фуқаролар йиғини расиси Раҳмонберган Болтаев би-

МУҲИМИ, СОҲА ФИДОЙИСИ БЎЛМАЙЛИК!

лан фуқаролардан тушган ариза ва шикоятларни биргаликда ҳал қилаяпмиз. Маҳалла посбонлари сардори Одилбек Саъдуллаев, унинг ёрдамчилари Қахрамон Ҳўжаниёзов, Раҳматулла Ибодуллаев, Худойберган Солаев, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчи Жумагул Отамуратова каби фидойи инсонлар ёрдамига таяниб, иш олиб бораётганимиз туфайли 2005 йил мобайнида ҳудудда бирорта жиноят қайд этилмади.

Ўйлайманки, бу йил ҳам милиция таянч пунктлари олдида кўйилган вазифаларни бажаришга монелик қиладиган барча муаммолар бартараф этилади. Чунки саъй-ҳаракатларимиз шундан далолат бериб турибди. Қайфиятимиз жуда яхши. Шундай экан иш олдинга силжийверади.

Т. ТОЖИЕВ,
Хоразм вилояти Янгиарик тумани ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ ВА ЯНГИЧА ДУНЁҚАРАШ - ДАВР ТАЛАБИ

Мустақилликни мустаҳкамлаш, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ислохотларни амалга ошириш ва чуқурлаштириш, барқарор бозор иқтисодиётига ўтиш билан бевосита боғлиқ долзарб муаммоларни ҳал этиш учун фуқаролар, аввало, мустақил, эркин, замонавий фикрлайдиган бўлишлари жоиз. Онги юксак, хулқ-атвори билан ибрат бўладиган фуқарони шакллантиришда, айниқса, баркамол авлодни тарбиялашда бир қатор омиллар қаторида маънавият ва маърифатнинг аҳамияти, зарурати катта эканлиги боис ҳам унинг мазмун-моҳиятини ёритиш, чуқур илмий таҳлил этиш энг долзарб вазифадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир» — деб таъкидлаган эдилар. Бундан ҳар бир киши назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ҳал этишда янги тафаккур, мустақил фикрлаш муҳим омил эканини англаб етди.

Мустақиллик — бу, аввало, соф ғоявий-сиёсий, мафкуравий тараққиётдир. Янгича онг, янгича дунёқараш, янгича тафаккур, мутлақо янгича инсоний-маънавий, руҳий-ахлоқий манзара. Жамият шундай маданий, маънавий, маърифий юксакликка эришган тақдирдагина мустақиллик ғоялари кўникмага, эътиқодга, маънавий қадриятга айланади.

Мустақиллик буюк неъмат эканлиги инсон томонидан чуқур ҳис қилинади, анланади. Ана ўшандагина у ўз эрки ва озодлигини қадрлай олади. Истиқлол учун фаол иштирок этишни ўзи учун бурч, масъулият, деб билади. Шахснинг, миллатнинг маънавий юксаклиги жамиятни янги босқичга, миллий камолотнинг янги сифат цивилизациясига кўтарди.

Мустақиллик йилларида сиёсий тизимни янгилаш, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётда туб ўзгаришларни амалга ошириш билан бирга одамларнинг тафаккури, дунёқарashi, маданияти ва маънавиятини ўзгартириш борасида ҳам муайян ютуқларга эришилмоқда.

Ўтмиш қолипларидан воз кечган жамиятимиз кишилари ҳаётдаги ўринларини янги тасаввур этиб, ўз кучларига бўлган ишонч ортиб бормоқда. Улар онгида демократик қадриятлар мустаҳкамланмоқда. Утган давр мобайнидаги энг катта

ютуқлар бу аҳолининг фаоллиги ошаётгани, янги тафаккур орқали камол топиб бораётганидир.

Бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида эркин, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бири янгича, замонавий фикрловчи, иймон-эътиқоди мустаҳкам кадрларни камол топдиришдир.

Юртбошимиз томонидан такрор ва такрор айтилиб, огоҳлантириб келинаётгандек, ҳозирги вақтда дунёда турли мақсад, манфаатларни, ғояларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви, кураши тўхтагани йўқ. Ана шу курашлардан кўзда тутилган асосий мақсад — инсон, авваламбор, ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёхуд минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва фикр тобелигига эришишдир. «Фикр қарамлиги, тафаккур куллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир», — дейди юртбошимиз ўз асарларида.

Мафкуранинг таъсир доираси ядро полигонларига нисбатан кўпроқ кучга эга бўлган ҳозирги пайтда кадрларнинг савияси, иймон-эътиқоди, иродаси бутунлиги, қобилияти, зеҳн-заковати, мустақил ва эркин фикрлаши, замон ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб беришларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб қолди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири, ислохотларнинг самараси авваламбор инсоннинг маънавий баркамоллигига бориб тақалишини ҳар бир фуқаро чуқур англаб етмоғи лозим. Бу ўринда Президентимизнинг «...



бугунги кунда ғояни, фикрни таъқиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш мумкин», деган пурмаёно сўзлари ҳақиқат эканини ҳаёт кўрсатмоқда. Ҳар бир фуқаро бунга яхши тушуниб, амал қилиши лозим.

Ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай кўринишини ор деб билладиган, замон билан ҳамнафас бўлган фуқароларнинг ҳуқуқий, сиёсий жараёнларда, давлат ва жамиятни бошқаришда, ривожлантиришда фаолиятининг ажралмас қисмидир. Бунга эришиш учун эса, кишилар онг-тафаккурига демократик ўзгаришлар моҳиятини сингдириш, фуқаролик жамиятининг туб мақсади ва устунликларини англашти зарур.

Инсон жамият белгилаган, давлат қабул қилган қонунлар, мавжуд ҳуқуқий мезонларни билмасдан, уларга сўзсиз риоя этмасдан туриб маънавий-ахлоқий етуқликка эриша олмайди. Бунинг учун у ҳуқуқий онгга, ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши зарур.

Ҳуқуқий маданият кенг тушунчадир. Ҳуқуқий онг ҳуқуқий маданиятнинг ғоят муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб, у энг аввало, одамларнинг қонунга муносабатларини ифодаловчи қарашлари ва эътиқодлари, уларнинг ҳуқуқ ҳақидаги тасаввурлари, интилишлари ва туйғуларидан иборат.

Ҳуқуқий онг даражаси фуқароларнинг янги қонунлар қабул қилиш, давлат органларининг қонунни қўллаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва ман-

фаатларини ҳимоя қилиш фаолияти билан боғлиқ фикрлари ва кайфиятларини, уларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ҳамда иқтисодий ўзгаришларга муносабатини белгилайди. Маълумки, шахснинг турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклландиган ҳуқуқий онги зиддиятли бўлади. У бир текис ривожланмайди, балки ўз ичига ҳам ижобий, ҳам салбий қарашлар ва эътиқодларни қамраб олади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти бу умум-эътироф этилган ижтимоий қадриятлар нуқтаи назаридан қаралганда индивидуал қарашлар, баҳолар, сабаблар, ҳуқуқий йўл-йўриқлар бўлиб, улар ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қонуний ҳамда ижтимоий фаол ҳаракатга асос бўлади. Шахснинг ҳуқуқий маданияти — ҳуқуқий онгни аниқ мақсадни кўзлаб тарбиялаш натижаси унинг энг юқори босқичидир. Демак, ҳуқуқий маданият миллий ва умуминсоний маданиятнинг шунчаки бир ажралмас қисмигина эмас, балки уларнинг ўзаги, бошқача айтганда, асоси ҳамдир.

Халқнинг куч-қудрати унинг фақат табиий бойликлари, худуднинг катта-кичиклиги, иқтисодий ва ҳарбий қувватига эмас, балки интеллектуал салоҳияти, маънавияти айниқса, ҳуқуқий билимдонлиги ва маданияти даражасига қараб ҳам баҳоланади. Ҳуқуқий билим, сиёсий онгли ва маданиятли одамни олдиқочди гаплар билан йўлдан уриб, турли ақидалар таъсирига чалғитиб бўлмайди. Ундай одам ҳар бир нарсани ақл-идрок, мантиқ, тафаккур тарозисига солиб кўради.

Ҳуқуқий билим ва маданият инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди. Айнан ҳуқуқий маданият етарли эмаслиги айрим фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги паст даражада бўлишининг асосий сабаблардан бири бўлмоқда.

Маълумки, қонунни ҳурмат қилиш — демократиянинг белгисидир. Айни вақтда демократиянинг ўзи қонунга мустаҳкам таянмаса муваффақиятли ривожлана олмайди.

Президентимизнинг Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясидаги «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида давлат ва жамият, халқ олдида турган энг долзарб вазифалар, ислохотларни чуқурлаштириш, мустақилликни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорлик, эркин иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари, кучли давлатдан кучли жамият сари, суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш, инсон омили ва мезони, Ватан ҳимояси ва давлатчилик йўналишлари белгилаб берилган.

Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳар бир фуқарога мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги муайян босқичида ўз ўрнини топишга, ана шу умуммиллат, умумжамият ишига муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Акрам АКМАЛОВ,
Маҳмуд АЛИМОВ
доцентлар.



2006 йил - ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР РЎЁБИ

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, хусусан, ички ишлар тизимида хизмат қилаётганлар соғлиғини сақлашга қандай эътибор қаратилмоқда? Уларнинг жисмонан соғлом, руҳан тетик ва бардам бўлиши ҳақида қай даражада қайғурилаяпти? Шу каби саволлар бизни республика Ички ишлар вазирлигининг Наманган шаҳрида жойлашган физиотерапия шифо масканига етаклади.

Сихатхонага кириб боришингиз билан шаҳарнинг сершовқин манзарасидан асар ҳам қолмайди. Ўзгача бир сокинлик, осудалик кишини оғушига олади.

— Шу осудаликнинг ўзиёқ инсон руҳиятига ажиб мусаффолик, тетиклик бағишлайди, дейди шифохона бошлиғи, майор Саидакмал Акралов. — Муолажаларни ҳам айнан шундан бошлаймиз. Энг биринчи галда тартиб ва озодаликка эътибор қаратганмиз. Ахир бемор киши учун даставвал хотиржамлик керак.

Шифо масканида юздан зиёд тиббиёт ходимлари хизматда. Бу ерда ички ишлар ходимларининг оила аъзолари ҳам даволанишади. Барча муолажалар энг замонавий усулларда олиб борилади. Маъданли сув эса ғоят шифобахш: ҳаракат - таянч аъзолари, асаб, эндокринологик, бепуштлиқ ва остеохондроз каби хасталикларни даволаш хусусиятига эга. Бу ерда даволаниб, саломатлигини

тиклаётган беморлар ҳолидан хабар олиб, уларнинг фикрлари билан қизиқдик. Даволанувчилар суҳбат жараёнида бўлим бошлиқлари лейтенантлар Турғунпўлат Шокиров, Адҳамжон Жамиллов, Хусанбой Мирсаидов, шунингдек, Ҳасанбой Холмирзаев, Саодат Раҳимова каби кардиологлар, невропатолог Сарбархон Юнусов, умуртқа неврологияси бўйича моҳир шифокор Қодирхон Фаниевлар алоҳида ҳурмат, эътибор қозонишаётганини таъкидлаб ўтишди.

Истеъфодаги майор Асқар ота Муҳаммадиев умр йўлоши Азима ая билан Навоий вилоятининг Қизилтепа шаҳридан келган экан.

— Узоқ йиллар ички ишлар тизимида хизмат қилдим, — дейди Асқар ота. — Кексайган чоғимизда ана шундай ғамхўрликдан баҳраманд эканлигимиздан мамнунман. Бу ерда, энг аввало, юксак даражадаги маданиятли муносабатнинг гувоҳи бўлдик.

— Ҳамшира қизлар

нинг одоби, шифокорларнинг хушмуомалалиги ҳақиқатан ҳам таҳсинга сазовор, — турмуш ўртоғининг фикрларини тасдиқлайди Азима ая. — Ҳаммалари барака топишсин. Овқатлари ҳам мазали. Муолажалардан сўнг танангдаги дард чекиниб, вужудингга куч ва мадор киради.

Ички ишлар тизими фахрийлари, тўрақўрғонлик Каримжон Ҳамроқулов, Наманган шаҳрилик Олимжон Аҳмедовлар ҳам шу каби илиқ таассуротда эканликларини билдиришди.

— Беморлар ҳақида ғамхўрлик қилиш фаолиятимиз мезонига айланган, — суҳбатга қўшилади шифохона бошлиғининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, капитан Ҳасанбой Холмирзаев. — Муолажаларни, аввало, уларнинг қалбига йўл топишдан бошлаймиз. Ахир «Сўз ҳам — шифо», дейдиларку! Тиббий маданият, маърифат тарғиботини кучайтиряпмиз. Чунки, аввало, ҳар бир инсон ўз соғлиғига эътиборли бўлиши керак. Шунда дард яқин йўламайди.

Дарҳақиқат, саломатлик борасидаги саъй-ҳаракатлар ҳеч вақт бир нуқтада тўхтаб қолган эмас. Бу соҳада ўзига хос усуллар, янгилликлар, кашфиётлар йўлида изланишлар давом этаверди. Бир сўз билан айтганда, бу касб ўз соҳибидан жонсаракликни

талаб этади.

Шифохона жамоаси эзгулик йўлида доимий изланишда. «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида ҳам кўп яхши ишларни амалга оширдилар. Жумладан, хизмат сифатини юксалтириш йўлидаги ҳаракатлар самарасида яқунланган йилда сув остида тортиш (массаж) бўлими учун янги бино қуриб, ишга туширилди. Бу усул умуртқа неврологияси хасталикларини даволашда ғоят яхши самара берар экан.

— Инсонлар саломатлигини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз Ҳомийлар ва шифокорлар йилида янада кенг кўлам касб этади, — дейди касалхона бошлиғи. — Айни пайтда «Оналар ва болалар» мажмуаси қурилиши жадал бормоқда. Уни Наврўз байрамига битириш ниятидамиз.

Ҳақ-ҳуқуқларимиз ҳимоячиси, тинчлик-осойишталигимиз қалқони, бизнинг осуда, хотиржам ва фаровон ҳаёт кечиримизни таъминлаш йўлида туну кун хизматда шай туриш учун ички ишлар ходимлари соғлом, баркамол ва бардам бўлиши даркор.

Ана шундай эзгу аҳд йўлида хизмат қилаётган саломатлик посбонларининг фаолиятига муваффақиятлар тиладик.

Фурқат МАМАЖОНОВ,
майор.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Самарқанд шаҳрилик уй бекаси бир йўла тўққизта она товуғидан ажраб қоламан деб ҳеч ҳам ўйламаганиди. У кўзига ёш олиб, ички ишлар идорасига югурди. Осойишталик посбонлари товуқларни ҳам, ўғрини ҳам топишганида беканинг қувонганини кўрсангиз эди.

Нарпайлик бир фуқаронинг эса шундоқ уйи олдида турган «Нексия»сини ўғирлаб кетишди. Ички ишлар ходимлари тезкор чоралар натижасида жиноятни иссиқ изидан очишди. Оқтош шаҳрилик бир фуқаро қўлга олинди. Машина эгасига қайтарилди.

«Ўразмат» ширкат хўжалигида яшовчи фуқаро ўз молхонасида бир стволли милтиқ ва уч дона патронни ноқонуний тарзда сақлаб келаётган эди. Ўтказилган тадбир чоғида унинг қилмиши фош бўлди.

Самарқанддаги хонадонларнинг биридан 200 АҚШ доллари ва 250000 сўм ўғирланган эди. Тезкор-тергов тадбирлари ўтказилди. Гумонланувчиларни сўроқ қилиш чоғида ҳаммаси ойдинлашди. Ўғрилик қилган кимса далиллар олдида лол қолиб, ўз айбига иқроор бўлди.

Ҳаммаси ичкиликбозликдан бошланди. Улфатлардан бири кайфи ошиб қолгач, бошқа танишини кўргиси келиб қолди. Аввалига иккови бинойидек гаплашиб ўтиришди. Кейин ўртада жанжал чиқиб, муштлашувга айланди. Охир-оқибат улфатлардан бири тан жароҳати олиб, касалхонага ётқизилди, иккинчиси эса айбини яширишга қанча уринмасин, тез орада ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди.

Каттақўрғондан уйига қайтаётган фуқарога нисбатан номаълум шахс куч ишлатиб, 150 минг сўм пулини тортиб олди. Ички ишлар идоралари ходимлари кўрган чора-тадбирлар натижасида талончи қўлга олинди. У ҳеч қерда ишламайдиган кимса бўлиб чиқди.

Дилбар САЛОҲИДИНОВА.

МАҚСАД — ОСОЙИШТАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ

Шу кунларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Андижон шаҳри ҳудудида «Тун» деб номланган профилактик тадбир ўтказилляпти. Унда ички ишлар ходимлари, маҳалла посбонлари ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этмоқда. Худудларни назорат қилиш учун гуруҳлар ташкил этилиб, уларнинг ҳаракат йўналишлари белгилаб чиқилган. Тадбир давомида жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларини «иссиғида» очишга алоҳида эътибор берилаяпти.

Жумладан, шаҳарнинг Қаландаров кўчасида жойлашган хусусий савдо дўконига кирган номаълум шахслар, дўкон эгасининг вояга етмаган ўғлини кўрқитиб, 50 минг сўм пул ва озиқ-овқат маҳсулотларини олиб кетишади. Суриштирувлар натижасида талончилар С. Мансур, А. Илҳом, К. Элёр ва Ф. Дониёрлар бўлиб чиқди.

Тунги соат 04 ларда Боғишамол даҳасидаги айланма йўлда ўз хизмат вазифасини бажараётган ходимлар қўлида катта таётган шахсдан шубҳаланиб, текшириб кўришга аҳд қилишди. Шунда Х. Зокир Хўжаобод тумани ҳудудидаги хона-

донларнинг биридан 5 машина жарима майдонна товуқни ўғирлаб келаётгани маълум бўлди.

Шунингдек, ходимлар Андижон шаҳри Д. Эшон кўчасида яшовчи Г. Клара ҳамда 5-кичик даҳада истиқомат қилувчи С. Раънолар ўз хонадонларини ишратхонага айлантиришганини аниқлашди.

Кейинги пайтда шаҳарда қайд этилаётган жиноятларнинг асосий қисми тунда содир бўлаётгани боис, ички ишлар ходимларининг эътибори нафақат пиёдалар, балки ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ҳам қаратилмоқда. Натижада тадбирнинг дастлабки кунларида тегишли ҳужжатга эга бўлмаган 48 та авто-

машина жарима майдонига олиб келинди. Ҳайдовчиларнинг аксарияти тунда кирақашлик билан шуғулланувчилар бўлиб, йўловчилари қандай мақсадда кетишаётгани билан умуман қизиқишмагани аён бўлди.

Кишининг раҳми келиб халтасидаги бор-будини, талқонларини аёлга берибди. Ўзи озиксиз қолибди. Маккага-ча ҳали йўл узоқ экан. У шу ерда қолибди.

Эртасига Маккадан бир гуруҳ ҳожилар қайтишибди ва унга зиёратлари шу киши туфайли қабул бўлганини айтишибди.

Демак, оч қолганларга ёрдам берган ҳалиги киши йўлдаёқ ўз зиёратини қабул қилдиришга лойиқ ҳаракат қилган. Агар у аёлга ёрдам бермаганида Маккага юз марта борганида ҳам зиёрати қабул бўлмасди.

Маккадаги Каъбатуллоҳни зиёрат қилиш — ҳаж шартларини адо этиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг орзу-ниятидир. Бу мақомга муяссар бўлганларни халқ орасида ҳожидейлади. Ҳожидей — ҳаж сафарини адо этган кишидир. Халқда «ҳам зиёрат, ҳам тижорат» деган гап бор. Ислому тижоратни рад этмайди.

Зиёрат айна найтда ўз асл маъносида ҳам қўлланилиб, бирор мамлакат, шаҳар, овул, қишлоққа сафар, меҳмон бўлиб ё бирор сабаб билан бориб-ке-

фардан қайтган кишиларни биз ўзбеклар: «Зиёратлар қабул бўлсин», деб қарши оламиз. Ўз навбатида зиёратчилар ҳам: «Муродингиз ҳосил бўлсин», дея жавоб қилишади. Бу зиёрат одатининг таомили. Зиёратдан қайтганлар ўша жойлардан эсдалик совғалар келтирганлар.

Зиёрат қилиш одати нафақат

лишга ҳам айтілади. Ҳозирги кунда бизда Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива, Туркистон, Авлиёота (Тароз), Кўқон сингари тарихий шаҳарларга саёҳатчилик йўли билан зиёрат қилиш уюштирилиб турилади. Европа, чет эл сафарлари ҳам зиёратнинг бир тури ҳисобланади.

Одатда зиёрат (са-

муқаддас жойларга нисбатан, балки барча марҳумлар мамлақати — турли мазорлар, қариндош-уруғларнинг, ота-онанинг хилхоналарига бориб, дуою фотиҳа ўқишда ҳам ижро этилган. Ҳатто оқил-фозил кишиларнинг ҳолидан хабар олиш ҳам зиёрат қилиш саналади. Чин кўнгил ва ихлос ила қилинган зиёратлар қабул бўлади.

«Дунёдаги энг улуг зиёратгоҳ инсонлар қалби» деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам инсон қалбидек дурри жавоҳирга тўла тубсиз уммон, хазинаю дафина ёруғ оламда йўқ. Булардан баҳраманд бўлмоқ учун том маънодаги инсон сўзига лойиқ бўлишга интилиш даркор.

(Давоми бор).



Харбий унвон	Пар-ранда	Маъдан	Ит зоти	Француз рассоми	Кор-хона	А. Каҳ-хор хикояси
			Харбий унвон			
Китъа				Сухбат, мулоқот		
			Испания шаҳри	Сув-транспорт		
Футбол жамоаси	Кав-казлик фокусчи	Киргиз эпоси			Катар пой-тахти	Инкор
				Хасса		Буй
				Фармон		Ток ўлчови
			Белги, рамз	Ширинлик		
Тўкин-чилик				Доллар тангаси		«Илида» қаҳра-мони
			Аниқ фан	Кўй-чивон		
Асос, негиз			Кў-шимча нашр			Бурж
Фасл		Дарё (Вьет-нам)			Овлана-диган қуш	Баҳо
		Кўприк тури	Бог-ловчи	Польша шаҳри		
	Ким-матли коғоз	Уялиш хисси	Нота	Фикр, ўй		Бошлик
	Лаҳза			Шоҳмод донаси		Эркак исми
			Кўшиқ, мадхия	Товуш, овоз		Тенгдош, мос нарсга
Йил, ҳисоби	Қо-вурма таом			Юз йил		
		Кадам	Ўтмиш	Ер ўлчови		Нота
						Мард инсон
Овоз, сас	Замон					
Ҳажм ўлчови			Электр асбоби			
	Хумо-юннинг ўғли					
Мав-жуд	Милтик тури		Ижод-кор исми			
		Далил				Издан юривчи арава

ТУШЛАР ТАЪБИРИ

(Боши ўтган сонларда).

ДАРАХТ (МЕВАЛИ)

Меваси пишиб етилган дарахтларни кўриш — эр-какларга омад, аёлларга оила қуриш, соғлом фарзандли бўлиш. Мевали дарахт устига чиқиш — кам меҳнат эвазига катта даромад олиш. Эгилган шохдан мева териш — шунча миқдорда маблағ эгаси бўлиш. Хом мева териш — шошқалоқлик оқибатида хато ишлар қилинаётганлиги. Пишиб, ўтиб кетган меваларни териш — ўз айби билан қилинган хатони тузатишга интилиш лозимлигига ишора. Бурушиб, қоғиб кетган меваларни кўриш — нохуш кунлар бошланаётганлиги. Ибодат қилиш лозим. Дарахт тагида тўкилиб ётган меваларни кўриш — туш соҳибининг оқибатини ўйламай харажат қилаётганлигидан дарақдир. Худди шундай ҳол — юрт учун тўкин-сочинликни билдиради.

ДАРЁ

Оқаётган дарёни кузатиш — ишларингиз йўлига кетма-кет келаётган тўсиқлардан хабар. Дарёда сузиш — покланиш, омад эгаси бўлиш. Дарёда чўкиш — келаётган ташвиш. Лойқа сувли дарё — касаллик, унда чўмилиш оғир касаллик. Садақа бериш лозим.

ДЕНГИЗ

Денгизни кўриш — хат-хабар, катта ишлар дарағи. Денгиз устидан ўтиш олис юртларга сафар, покланиш ва жамики қораланган ҳоллардан оқланиш. Денгизнинг кучли тўлқини — хафв келаётгани. Кемада сузиш — орзу-ниятларнинг рўёбга чиқиши, яхши ўзгаришлар.

ДАЛА

Тақир дала — иш бошлаш, ҳаракат қилиш кераклигини билдиради. Мева-сабзавотлар экилган дала — қилинаётган ишлардан катта даромад келиши. Буғдойзор — баракали давлат эгаси бўлиш. Пахтазор — оғир меҳнат эвазига келадиган даромад.

ДЕВОР

Девор — ишларингизда пайдо бўлган тўсиқ белгиси. Девор илма-тешик бўлса — қоқилиб-суқилиб яшаш. Деворни бузсангиз ёки ўзи бузилса — янги имкониятларга йўл очилиши, ишларнинг юришиб кетиши. Нураган девор — ёмон соғлиқ дарағи. Девор ўнг тарафда кўринса ҳам — соғлиқдан хабар: у баланд ва мустақкам бўлса — сихати яхшиланади. Девор чап тарафдан кўринса — душманлар борлиги хабари. Девор устида туриш — ишларнинг бароридан келиши.

ДУМБА

Буг чиқиб турган янги думба — янги даромадли иш. Музлаган думба — оилаликларга: касаллик, вақтинчалик муҳтожлик. Жизза қилинган думба — энгил касаллик, ниманидир кутиш, азоб-уқубатлар белгиси.

ДОРИ

Кимки тушида ўзи ёки яқинларидан бири соғлиғи яхши ҳолда дори сотиб олса — ёрдам, жўяли маслаҳат олади ва муаммоларига ечим топади. Дори ичиш — алдовга, мажбурий ишга дуч келиш. Дориларни кўриш — ҳар қандай ишга қодирлик ва тайёрлик белгиси. Аёл киши дори кўрса — унинг соғлиғи ёмонлашиши мумкинлигидан, лекин касалликнинг олдини олиш имконияти мавжудлигидан дарақ.

(Давоми бор).

8-СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Парик. Сония. Рама. Олов. Ан. Мозамбик. Ха. Ном. Навоий. Лаз. Драп. Кадр. Кома. Акрам. Ра. Мучал. Архив. Далил. Аслида. Сомон. Алло. Кирил. Ас. Ит. Он. Ма. Зое. Дор. Зал. Ини. От. Ва. Ая. Ем. Лама. Тонна. Гоголь. Зовур. Хазон. Кадам. Кошин. Бу. Ривож. Елим. Фарз. Това. Ниш. Гайдар. Кум. Ис. Гултувак. То. Мола. Одил. Тилик. Дания.

БУЙИГА: Ҳақда. Каззоб. Кения. Норка. Соат. Холис. Марра. Ел. Гашиш. Ар. Пахса. Лозим. Ми. Рам. Миллий. Вагон. Гол. Имон. Вилт. Камон. Гули. Казак. До. Ал. Фалак. Авар. Байт. Мода. Урду. Собир. Си. Оз. Завод. Олий. Доро. Чанок. Рада. Нок. Мамонт. Январ. Кин. Ив. Кулол. Аудит. Ли. Лочин. Ди. Равок. Ҳамал. Моне. Мовут. Ҳазал. Жарима. Жамоа.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ФУТБОЛ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Қитъамиз Чемпионлар Лигасининг янги мавсу-ми старт олди. Бу нуфузли халқаро мусобақалар-да республикамиздан мамлакат чемпиони Тош-кентнинг «Пахтакор» ва вице-чемпион Муборак-нинг «Машъал» жамоалари юртимиз шарафини ҳимоя қилишяпти.

ИМКОНИАТЛАРГА БОЙ ҲАМ ҲАМ

Мусобақаларнинг «А» гуруҳи-да иштирок этаётган «Пахтакор» жамоаси Суриянинг «Ал-Иттиҳод», Эроннинг «Фулад» ва Қувейтнинг «Ал-Қодисия» жа-моалари билан баҳслашадилар.

Ўтган чоршанба куни Чем-пионлар Лигасининг биринчи тур ўйинлари ўтказилди. Пой-тахтнинг «Пахтакор» футбол-чилари ўз майдонларида Сури-янинг «Ал-Иттиҳод» жамоаси-ни қабул қилдилар.

Баҳор тароватидан яшнаб турган «Пахтакор» стадионига республикамиз нуфузли жа-моасининг ишқибозлари маҳо-ратли ўйин ва чиройли голлар кутиб йиғилишди.

Ўйиннинг дастлабки дақи-қалариданоқ пахтакорчилар ташаббусни қўлга олиб, ҳужумга киришдилар. Гарчи вакилларимизнинг асосий қисми ҳозиргача асосан машқ ўйинларида иштирок этаётган бўлса, рақиб жамоа айни қиз-гин футбол мавсумида тоблан-ган эди. Шунинг учун ҳам улар билан беллашиш осон эмасди.

Майдонда бошланган чи-ройли ўйинлар ишқибозларга



завқ берса-да, рақиб дарвоза-сига тушган тўпни кўришга ҳамма ошиқарди. Ниҳоят ўйин-нинг ўн олтинчи дақиқасида бурчакдан тепилган тўпни мо-ҳирлик билан рақиб дарвоза-сига йўллаган Илҳом Иномов ҳисобни очди.

Ишқибозларнинг ҳаяжонли ҳайқириқларининг тез-тез ян-граб тургани футболчиларимиз-нинг маҳоратли ўйин кўрсатаёт-ганидан, рақиб дарвозасини мўлжалга олаётганларидан да-лолат берарди. Ҳужумкор ўйин

ҳар доим мухлислар олқишига сазовор бўлган. «Пахтакор» жа-моаси майдондаги йилнинг да-стлабки учрашувида гоҳ чап қанотдан, гоҳ ўнг қанотдан шиддаткор ҳужум қилиб, ра-қибларни анча шошириб қўйди.

Шу ўринда футболчилари-миз гол уриш учун бир неча марта қулай имкониятлар ярат-ганларини айтиб ўтиш билан ундан самарали фойдалана ол-маганликларини эътироф этиш мумкин. Бу айниқса, Ти-

мур Копадзенинг жуда яқин масофадан тўпни дарвозага тепиш ўрнига кимгадир ошир-гани, натижада сурияликлар чаққонлик билан хавфни бар-тараф этгани, Байрамовнинг дарвозага яқин жойда тургани ҳолда шошиб тўпни йўллай ол-маганида ва бошқа вазиятлар-да яққол билинди.

Албатта, йигитларимиз яхши ҳаракат қилдилар. Ик-кинчи қисмда Садриддин Аб-дуллаев ва Иброҳим Раҳимов-ларнинг майдонга тушиши




ўйинна янада жонлантириб юборди. Кетма-кет ҳужумлар-ни бартараф этишга рақиблар кўп куч сарфлашларига тўғри келди.

Учрашув тугашига саноқли дақиқалар қолганда, аниқ-роғи, ўйиннинг саксон бе-шинчи дақиқасида рақиблар дарвозасига иккинчи тўп туш-ди. Яна бурчакдан тепилган тўпни ярим ҳимоячи Клецов боши билан дарвозага йўлла-ди.

Сурияликлар ҳам бўш ке-лишмади. Бироқ дарвозабон-нинг, нисбатан тажрибасиз-роқ эканлиги билинди. Гар-чи меҳмонлар «Пахтакор» дарвозасини ҳимоя қилаёт-ган Нестеров учун кўп хавф-ли вазиятлар туғдирмаган бўлса-да, айрим жараёнлар-да ҳимоя чизигимизни ёриб ўтишга муваффақ бўлдилар. Албатта, футболчиларимиз буни ҳисобга олишлари, Су-рияда бўладиган жавоб ўйин-да анча ҳушёр бўлишлари та-лаб этилади.

Бу гуруҳдаги иккинчи ўйинда Эроннинг «Фулад» жамоаси Қувейтнинг «Ал-Қодисия» футболчилари дар-возасига олти жавобсиз тўп киритди.

ЯНГИ МАВСУМГА ЯХШИ УМИДЛАР БИЛАН



11, 12, 13 март кунлари мам-лакатимизнинг саккиз шаҳри-да футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати байроғи кўтарилди.

Бугун пойтахтимизнинг «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида Тошкентнинг «Локо-мотив» жамоаси ҳамшаҳарлари — «Трактор» билан учрашади.

12 март куни эса «Тўпаланг» (Сариосиё)-«Шўртан» (Фўзор), «Сўғдиёна» (Жиззах)-«Нефтчи» (Фарғона), «Андижон» (Анди-жон)-«Металлург» (Бекобод), «Пахтакор» (Тошкент)-«Самар-қанд-Д» (Самарқанд), «Насаф» (Қарши)-«Навбахор-Н» (На-манган), «Хоразм» (Хоразм)-«Бухоро» (Бухоро) жамоалари учрашишса, 13 мартда Мубо-ракнинг «Машъал» жамоаси «Қизилқум» (Зарафшон) меҳ-мони бўлади.

ЕВРОПА ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ



UEFA

CHAMPIONS LEAGUE

7 ва 8 март кунлари Европада ҳам катта футбол байрами — Европа Чемпионлар лигасининг нимчорак финал баҳсларининг жавоб учрашувлари бўлиб ўтди.

7 март
«Барселона»-«Челси» - 1:1 (Би-ринчи учрашув - 2:1)
«Ювентус»-«Вердер» - 2:1 (0:1)
«Вильярреал»-«Глазго Рейнджерс» - 1:1 (2:2)

8 март
«Милан»-«Бавария» - 4:1 (2:1)
«Арсенал»-«Реал» - 0:0 (1:0)
«Ливерпуль»-«Бенфика» - 0:2 (0:1)
«Лион»-«ПСВ» - 4:0 (1:0)
«Интер»-«Аякс» учрашуви 14 март куни бўлиб ўтади.

«МАШЪАЛ»НИНГ ОМАДЛИ ОДИМИ

Лиганинг «В» гуруҳида иштирок этаёт-ган «Машъал» жамоаси Ироқнинг «Ал-Минаа» футболчилари билан куч синаш-ди. Учрашув Қувейтнинг Сабаи Али шаҳ-ридаги «Салама» ўйингоҳида ўтказилди.

Мубораклик футболчилар Осие Чем-пионлар Лигасида илк бор иштирок эти-шяпти. Ўтган йилги мамлакат чемпио-на-тида кумуш медалъ совриндори бўлган «Машъал» жамоаси халқаро мусобақалар-да ҳам яхши натижаларга эришиш учун а-стойдил киришганларини биринчи ўйин-даёқ намоён эта олдилар.

Мутахассислар назарида нисбатан куч-сиз ҳисобланган «Ал-Минаа» жамоаси му-боракликларга етарли қаршилик кўрсатиб, бир неча марта ҳужум уюштирдилар.

Бироқ «Машъал» футболчилари Виктор Жалилов раҳбарлигида мавсумга яхши тай-ёргарлик кўрганларини амалда исбот этишди. Учрашувнинг ўттиз биринчи да-қиқасида Зафар Холмуродов тепган кучли зарба рақиб дарвозабонини доғда қолдир-ди. Ҳисоб учрашувнинг охиригача ўзгар-мади.

Шу гуруҳдаги «Машъал» рақиблари Бирлашган Араб амирликларининг «Ал-Айн» ва Саудия Арабистонининг «Ал-Хилол» жамоасининг учрашувида 2:0 ҳисоби қайд этилди. Ҳозирча мубораклик-лар иккинчи ўринда боришяпти.

«А» ГУРУҲИ

1-ТУР. 8 март (чоршанба)
«Пахтакор» — «Ал-Иттиҳод» (Сурия)-2:0
«Фулад» (Эрон) — «Ал-Қодисия» (Қувейт)-6:0
2-ТУР. 22 март (чоршанба)
«Ал-Қодисия» — «Пахтакор»
«Ал-Иттиҳод» — «Фулад»
3-ТУР. 12 апрель (чоршанба)
«Пахтакор» — «Фулад»
«Ал-Иттиҳод» — «Ал-Қодисия»
4-ТУР. 26 апрель (чоршанба)
«Фулад» — «Пахтакор»
«Ал-Қодисия» — «Ал-Иттиҳод»
5-ТУР. 3 май (чоршанба)
«Ал-Иттиҳод» — «Пахтакор»
«Ал-Қодисия» — «Фулад»
6-ТУР. 17 май (чоршанба)
«Пахтакор» — «Ал-Қодисия»
«Фулад» — «Ал-Иттиҳод»

«В» ГУРУҲИ

1-ТУР. 8 март (чоршанба)
«Ал-Айн» (БАА) — «Ал-Хилол» (С. Арабистони)-2:0
«Ал-Минаа» (Ироқ) — «Машъал»-0:1
2-ТУР. 22 март (чоршанба)
«Машъал» — «Ал-Айн»
«Ал-Хилол» «Ал-Минаа»
3-ТУР. 12 апрель (чоршанба)
«Ал-Айн» — «Ал-Минаа»
«Ал-Хилол» — «Машъал»
4-ТУР. 26 апрель (чоршанба)
«Ал-Минаа» — «Ал-Айн»
«Машъал» — «Ал-Хилол»
5-ТУР. 3 май (чоршанба)

«Ал-Хилол» — «Ал-Айн»

«Машъал» — «Ал-Минаа»
6-ТУР. 17 май (чоршанба)
«Ал-Айн» — «Машъал»
«Ал-Минаа» — «Ал-Хилол»

«С» ГУРУҲИ

1-ТУР. 8 март (чоршанба)
«Ал-Гарафа» (Қатар) — «Саба Батери» (Эрон)-0:2
«Ал-Карам» (Сурия) — «Ал-Ваҳда» (БАА)-2:1

«Д» ГУРУҲИ

1-ТУР. 8 март (чоршанба)
«Ал-Араби» (Қувейт) — «Ал-Кува» «Ал-Жафия» (Ироқ)-0:1
«Да Нанг» (Вьетнам) — «Ал-Садд» (Қатар)-0:0

«Е» ГУРУҲИ

1-ТУР. 8 март (чоршанба)
«Чонбук Моторс» (Ж. Корея) — «Гамба Осака» (Япония)-3:2
«Да Нанг» (Вьетнам) — «Дальян Шайд» (Хитой)-0:2

«Ф» ГУРУҲИ

1-ТУР. 8 март (чоршанба)
«Токио Верди» (Япония) — «Улсан Хо-ранги» (Ж. Корея)-0:2

«Г» ГУРУҲИ

1-ТУР. 8 март (чоршанба)
«Шанхай Шенхуа» (Хитой) — «Донг Там Лонг Ан» (Вьетнам)-3:1

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭББга қарашли 13-сонли тергов ҳибсхонаси бошлиғи, майор **Маҳмуд Асадович НАРЗУЛЛАЕВ**ни таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз. У кишига узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, масъулиятли ҳамда шарафли хизматларида улкан ютуқлар тилаб қоламиз. Хонадонларидан файзу барака аримасин.

Эҳтиром билан,
муассаса шахсий таркиби.



Байрам тарадуду

«МАЪНОЛАР МАҲЗАНИ»

**НОКАСТАДАН ҚАРЗ ҚИЛМА,
ҚАРЗ ҚИЛСАНГ
ҲАМ ХАРЖ ҚИЛМА**

Вариант: «Нокастадан қарз олма, олиб ксангга солма»; «Нокастадан қарз сўрагунча, итдан суяк сўраган афзал»; «Аслнинг хатоси йўқ, нокаснинг – атоси»; «Томеъдан карам тилама, гадодан дирам тилама» (томеъ – тамагир, бировдан бирор нарса умид қилувчи, бировнинг нарсасига кўз тикувчи. Дирам – танга, пул); «Нокастадан қарздор бўлсанг, ҳам йўлда тугар, ҳам гўрда».

НОМУС – ЎЛИМДАН ҚАТТИҚ

Вариант: «Номус – ярим ўлим»; «Номус – ўлимдан ёмон»; «Номус – балодир, ўтга-сувга солодир»; «Номуссиз яшагандан, номусли ўлган яхши»; «Ёмон от билан тирилгандан, яхши от билан ўлган яхши»; «Жигилдонни ошдан сақла, виждонни – бошдан»; «Номусни ёшлиқдан сақла»; «Кийимни янгилигидан сақла, обрўни – ёшлиқдан».

НОН АСЛИ ДОН

Вариант: «Нон ҳам – нон, ушоғи ҳам – нон»; «Нон боласи – нон ушоқ»; Халқимиз нонни азалдан ҳурмат қилади, ҳамма нарсадан афзал, азиз ва муқаддас деб билади. Ота-боболардан қолиб келаётган удум, анъанага биноан, ҳатто нонни тескари тишламайдилар, ноннинг устига бошқа нарсаларни қўймайдилар, ноннинг устидан ҳатлаб ўтмайдилар, агар нон қўлдан ерга тушиб кетса, дарҳол уни олиб, уч марта ўпиб, пешоналарига сурадилар, нон ушоқни дастурхон устида кўрсалар, бармоқни хўллаб, ушоқ устига босиб олиб, еб қўядилар. Юқоридаги мақоллар нонни эъзозлаш, хор қилмаслик, исроф этмасликка ундаб айтилади.

**НОНКЎРГА БЕРГАН ЭСИЗ
ОШИМ, БЕВАФОГА ТЎККАН
ЭСИЗ ЁШИМ**

Нонкўр – бировнинг берган туз-намаги, нон-тузи қадрини билмайдиган, яхшиликка ёмонлик қиладиган, «тузини ичиб, тузлуғига тупурадиган», кўрнамак, нонтепки одам. Бевафо – аҳдпаймонни бузувчи, садоқатсиз, вафосиз одам. Мақолда: «Бу ҳар иккала тоифадаги одамга ҳам яхшилик қилиш, унинг ҳақида қайғуришнинг фойдаси ҳам йўқ, ҳожати ҳам йўқ. Чунки бундай одам барибир яхшиликни билмайди», демоқчи бўлинади.

**НОТАНИШ БЕГОНАДАН,
ТАНИШ ШАЙТОН ЎНГАЙ**

Вариант: «Кўриниб турган аждардан, буқиниб ётган илон ёмон». Кичкина илон қайда-ю, баҳайбат аждар қайда?! «Мол оласи ташида, одам оласи ичида» дегандек, нотаниш, бегона одамнинг яхши ё ёмонлигини, нияти оқ ё қоралигини билмайди киши. Мазкур мақоллар билан: «Нотаниш, синашта бўлмаган дўстдан кўзга яққол кўриниб турган, зиён-заҳмат етказиши очикдан-очик маълум бўлган душман яхши. Чунки киши шуни ҳисобга олиб иш кўради. ўзини мудофаа қилиш чораларини кўради. Синалмаган дўстга ишонганида эса, гафлатда қолиб, зиён-заҳмат кўради», демоқчи бўладилар.

НОУМИД – ШАЙТОН

Тўлиқ варианты: «Умидли – дунё, ноумид – шайтон». Эътиқодий тушунчага кўра, шайтон Худога осий бўлиб (исён кўтарган), «барибир энди Худо ярлақамайди, дўзахга солиб азоблайди, энди мен тамомий ёмонликни қилавераман», деб ноумид бўлиб, ёмон йўлга кириб кетган экан. Мазкур мақол, гарчи эътиқодий тушунча асосида юзага келган бўлса-да, мажозан: «Ҳар бир нарсадан умидингни узма, ҳаракат қил, етишмаган ишинга етишсан», деган маънода қўлланади. Бу фикрни қувватловчи қуйидаги мақоллар ҳам бор: «Юрак умид билан яшайди»; «Умиди йўқнинг имони йўқ»; «Умидингни узма, кўнглингни бузма»; «Умидсизлик уйин бузсанг, умидингга етарсан»; «Чикмаган жондан – умид»; «Куч – ишонча»; «Умид ўрга тортар, умидсизлик – гўрга» (ўр – баландлик, тепалик).

НОҲАҚ ҚОН ЕРДА ЁТМАС

Бу билан: «Бировни ноҳақ ўлдирган қотил ҳеч вақтда қутулиб кета олмайди, эркинликда юра олмайди, ахири бир кунмас-бир кун қўлга тушиб, жазосини тортади», демоқчи бўладилар.


НУР ЁГДИ – ДУР ЁГДИ

Бу мақолни: «Кўёш чарақлаб, нур ёғдириб турса, экинлар баҳра олиб, дуркун ўсиб, мўл ҳосил беради» деган маънода айтадилар.

**НЎНОҚ МЕРГАН ОҚСОҚ ҚУЁН
ИЗЛАР**

Кўлидан дурустроқ бир иш келмайдиган, нўноқ, эписиз, ношуд, бунинг устига дангаса одам чинакамига ҳаракат қилмай, ишнинг осонгина, ўнғайгина томонини кўзласа, унинг устидан истехзо билан кулиб, шундай дейдилар.

**МУНАЖЖИМЛАР
БАШОРАТИ**
Келгуси ҳафта учун

	ҚҲЙ. 21 март – 20 апрель Ушбу ҳафтада кўпроқ шахсий юмушларингизни бажаришга вақт ажратинг. Қутилмаган учрашувларнинг гувоҳи бўласиз. Янги танишлар орттиришингиз мумкин. Ижтимоий соҳада сизга омад кулиб боқади. Анчадан бери кўзлаб юрган ниятингиз чоршанба куни амалга ошади.
	СИГИР. 21 апрель – 20 май Дастлабки кунлар бироз ўзингизни эркин тутганингиз маъқул. Ҳафтанинг иккинчи ярмида келишмовчиликлар келиб чиқишидан эҳтиёт бўлинг. Пайшанба куни юмушларни шошилмай бажаришни маслаҳат берамиз. Севган машғулоти бир олам завқ бағишлайди.
	ЭГИЗАКЛАР. 21 май – 21 июнь Ушбу ҳафтада тадбиркорлигингиз омад келтиради, мақсадга эришингизга олиб келадиган лойиҳалар яратасиз. Фақат илгари йўл қўйилган хатоларни такрорлашдан эҳтиёт бўлинг. Атрофдаги одамлар меҳнатингиз маҳсулини кўришларига эришингиз фойдадан холи эмас.
	ҚИСҚИЧБАҚА. 22 июнь – 22 июль Ушбу ҳафтадаги таассуротлар узоқ вақт ёдингизда қолади. Рақиблар панд беришидан эҳтиёт бўлишни маслаҳат берамиз. Жума куни амалий шерикларингиз билан муносабатлар яхшиланади. Миянгизни чулғаб олган бўлмагур ўйлардан халос бўлишингиз зарур.
	АРСЛОН. 23 июль – 23 август Мазкур ҳафтада фаоллигингиз ошишига олиб келувчи таклифлар оласиз. Иш жойингизни ўзгартириш ҳақида ўйлаб кўринг. Жума куни омад кулиб боқиши, яхшигина даромадни қўлга киритишингиз мумкин. Таклифларингиз раҳбарлар томонидан қўллаб-қувватланади. Маошингиз ошиши эҳтимолдан холи эмас.
	БОШОҚ. 24 август – 23 сентябрь Меҳнат кўтаринкилигига эришасиз. Ҳамкасблар билан тажриба алмашишингиз мақсадга мувофиқдир. Сизни бошқа ишга таклиф қилишлари ёки ҳозирги жойингизда хизмат пиллапоясидан юқорилашингиз мумкин. Қутилмаган янгиликлар режаларингиз ўзгариб кетишига олиб келади.
	ТАРОЗИ. 24 сентябрь – 23 октябрь Берган ваъдаларингизга вафо қилишга ҳаракат қилинг. Амалий шериклар ҳақида нохуш хабар олишингиз мумкин. Ушбу ҳафтада ишхонадаги вазифаларга жиддий киришингизга тўғри келади. Келгуси режаларни белгилаб олиш муҳим эканлигини унутманг.
	ЧАЁН. 24 октябрь – 22 ноябрь Раҳбарлар билан келишолмай қолишингиз муайян муаммолар келтириб чиқаради. Ҳар қандай вазиятда ҳам босиб бўлишни маслаҳат берамиз. Ҳафтанинг бошидаёқ илгари бошлаб қўйган ишларингизни ниҳоясига етказинг. Ҳадеб ташвиш чекавермай, куч-қувватингизга таянган ҳолда иш кўрсангиз омад кулиб боқади.
	ЁЙ. 23 ноябрь – 21 декабрь Режаларни юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда белгилаб олишингиз лозим. Бажарётган ишингизга катта куч-қувват сарфлашингизга тўғри келади. Чоршанба куни ишга жиддий киришмаганингиз маъқул. Жума янги ишларни бошлаб, бошқа манзилга кўчиб ўтиш учун қулай кундир.
	ТОҒ ЭЧКИСИ. 22 декабрь – 20 январь Ҳафтанинг дастлабки кунлари кўзланган мақсаддан воз кечишни маслаҳат берамиз. Чунки бу пайтда омад сиздан юз ўгиради. Ҳаммадан олдинда бўлиш истаги тугилади. Бунинг учун барча имкониятлар мавжуд. Сабр-тоқатли бўлишингиз дўстлар ва ҳамкасбларингиз томонидан муносиб баҳоланади.
	ҚОВҒА. 21 январь – 20 февраль Мазкур ҳафтада ўз нуқтаи-назарингизни қатъий ҳимоя қилишингизга тўғри келади. Масаланинг муҳим жихатларини эътибордан қочирманг. Икир-чикирлар эса ўз-ўзидан барҳам топаверади. Эҳтиёткор бўлиб, ўзгалар ваколатига эғалик қилмасликни маслаҳат берамиз.
	БАЛИҚ. 21 февраль – 20 март Режалаштирилган барча ишлар муваффақиятли амалга ошади. Ҳужжатларни тартибга келтириб, қутилаётган ҳар қандай воқеага шай туринг. Ўзингиз ёқтирган машғулотдан бемалол баҳра олишингиз мумкин. Дам олиш кунларини дўстлар даврасида ўтказасиз.

ЎСМИР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛСА...

Инсон экилган ҳар бир ниҳолни умид билан парваришлайди, зиён-заҳмат етмасин, деб авайлаб-асрайди. Худди шундай фарзанди ҳам ҳаётда қоқилмай ўз ўрнини топиши учун елиб-югуради, бор куч-ғайратини аямайди. Бироқ ниҳолдек парваришлаб ўстираётган фарзанди қинғир йўлга кириб, жинойатга қўл урса-чи?

Ота-она учун қутилмаган бу ҳолат қаттиқ зарба бўлади, албатта. Аммо начора, осмон узоқ, ер қаттиқ деганларидек, улар аччиқ қисматга тан бериб, тарбиянинг эътибордан қолган жиҳатини излашдан бўлак чора топа олмайдилар. Баъзан боланинг юриш-туриши, феъл-атвори, оилада ўзини туттишида кўзга ташланадиган ўзгаришларга лоқайдлик ёки бепарволик ана шундай оқибатга олиб келиши мумкин. Тарбиядаги бу «узилиш»нинг меваси эса аччиқ бўлиши табиий.

Ҳали 17 ёшга кириб улгурмаган Азат ҳамда 18 ёшни қарши олаётган Аброрлар суднинг қора курсисидан қилмишларига яраша жавоб беришмоқда. Оналарининг тўқабатли кўз ёшлари, оталарининг пушаймонлари чексиз. Негаки, оқ-қорани ажратиб улгурмаган жигарғушалари «судланган» деган ном олмоқда.

Фафур Фулом номидаги истироҳат боғига борган бу икки ўсмир аввал компютер ўйинлари ва шунга ўхшаш машғулотлар билан машғул бўлишди. Чўнтақларида пул қолмагач, боғни айланишди. Шунда рўпараларидан келаётган, чамаси ўзлари тенги С. Худиев ва Ш. Раҳматовларга кўзлари тушди, Азатда бир фикр туғилди. Кўнглига келган гапни ҳамтовоғига ошкор қилганди, у рози бўлди. Икки ҳамтовоқ келишилган ишни амалга

оширишга киришдилар. Азат чўнтагидан лезвия чиқариб, икки номаълум кимсага пўписа қила бошлади. «Чўнтақларингдаги бор пуллари чиқаринглар, — деди у атрофга олазarak боқиб. — Агар айтганимни қилмасанглар оқибати ёмон бўлади, аяб ўтирмайман». «Ўлжа»ларда пул йўқ эди. Уларнинг чўнтақларини кавлаб бунга амин бўлган талончиларнинг хунуби ошди. Азат Ш. Раҳматовнинг оёғидаги туфлиси ҳали янгилигини кўриб, уни ечиб олди. Навбат С. Худиевга келганда чўнтагидаги фуқаролик паспортига кўзи тушди. У шеригига маъноли қараб илжайди. Кейин фуқаролик паспортини гаровга олган Азат унга эртага худди шу ерга 30 минг сўм олиб келмаса ёки ички ишлар ходимларига хабар берса, яхшилик кутмаслигини айтиб, дағдаға қилди.

Хайриятки, талончиларнинг нияти амалга ошмай қолди. Чунки эртаси куни улар айрилган пулни қўлга киритамиз, деб хаёл суриб туришганда, Чилонзор тумани ИИБ тезкор ходимлари томонидан қўлга олиндилар. Текширилганда ёнларидан ошхона пичоғи, лезвия ва С. Худиевнинг фуқаролик паспорти чиқди. Жинойат кўчасига кирган икки ўсмирнинг қилмиши хусусида ўйлар эканмиз, кўнгилда бир оғриқ туямиз. Негаки, йигитчаларнинг талончилик, товламачилик қилиши эрта бир кун газак олиб кетмаслигига ким қафолат беради? Бундан ташқари, улар хатоларидан тўғри хулоса чиқариб олишармикан?

Тўғри, ҳеч бир инсон фарзандини ёмон ниятда ўстирмайди. Лекин унинг тарбиясига эътиборсизлик албатта изтироб чекишга олиб келади. Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтишни истардикки, инсон маънавияти юксалиши, ҳаётда йўл танлаш борасида маслаҳатчи сифатида катта аҳамиятга эга бўлган бадий асарларни китоб расталаридан топиш қийинлашиб қолгани сир эмас. Ўз-ўзидан маълумки, дунёқарошини бойитиб, баркамоллик даражасига эришмаган шахс турли жинойатларга қўл уриши мумкин. Шундай экан, ёшлар келажига лоқайдлик ҳеч қачон яхшилик келтирмаслигини унутмаслигимиз зарур.

Умида БОЛЛИЕВА.

Қонунчилигимизда инсонпарварлик ғоялари ҳамма нарсадан устун қўйилган. Жинойатчиларга нисбатан амнистия қўлланилиши ҳам бунинг исботидир. Маҳкумларни афв этиш уларга ўз қилмишларидан хулоса чиқариш, тўғри йўлни танлай олиш имкониятини беради. Ҳўш, бундай имкониятдан жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган юртдошларимизнинг барчаси ҳам бирдек фойдаланяптими?

...Андижон шаҳ-
р и д а
я ш о в ч и
З и л о л а
Б о й м а т о в а
м у қ а д д а м
и к к и м а р т а
с у д л а н г а н .

Дастлаб со-
д и р
э т г а н ў г и р л и к
ж и н о я т и
у ч у н б е ш
й и л м у д д а т т а
о з о д л и к д а н
м а х р у м қ и л и н и б ,
1996 й и л д а
а м н и с т и я
т у ф а й л и
ж а з о д а н
о з о д
э т и л г а н д и .
И к к и н ч и
б о р ў г и р л и к
с о д и р э т и б
қ ў л г а т у ш -
г а ч , о л т и
й и л г а ҳ ў к м
қ и л и н д и .
2002 й и л д а
у н г а н и с б а т а н
я н а б и р
б о р
и н с о н п а р
в а р л и к
ғ о я л а р и
қ ў л л а н и л д и .

Жазони ижро этиш муассасасидан амнистия туфайли муддатидан аввал озод этилган З. Бойматова ҳукуматимиз томонидан берилган имкониятлардан ўзига тегишли хуло-

са чиқариш ўрнига яна нопок йўлни афзал билди. Бу гал у фуқаро М. С.ни «тузоғига» илинтирди. Улар спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, ахлоқсизлик машғулотлари билан банд бўлишди. Бунинг эвазига М. С. З. Бойматовани пул билан таъминлаб турди. Зилола эса М. С.нинг уй жиҳозларини ўмаришни и режалаштирди. Бу борада ака-сингил Евгений ва Анастасия Сидоровларни ҳамкорликка чорлади.

Аммо уч босқинчининг режаси қутилмаган тус олди. Босқинчилик пайтида Е. Сидоров М. Сатимовни пичоқлаб, ҳаётига зомин бўлди.

Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Шундай қилиб, Андижон шаҳрида яшовчи, икки марта судланган, фойдали меҳнат қилишни эп кўрмаган Зилола Бойматова суд ҳукмига бинонан яна озодликдан маҳрум қилинди. Унинг ҳамтовоқлари Евгений ва Анастасия ҳам тегишли жазога тортилишди.

Саминжон ҲУСАНЗОДА.

Дехқонобод туманидаги мактаб ўқитувчиси Шермамат ўша куни ўзини кўярга жой тополмади. У Мақсудадан хат олганди: «Соат 21.30 да келинг, кутаман. Сизда зарур гапим бор. Мақсуда». У Найман қишлоғи томон учиб боргиси, кун ёруғида Мақсуда билан учрашгиси келарди. Аммо бунга юраги бетламади. Чунки қизнинг онаси, амакиси ва қариндошлари уни ёпларига чорлаб, ҳуда-беҳудага уйларига келиб, қишлоқда гап-сўзни кўпайтирмаслик учун жиддий огоҳлантиришган эди.

— Уйланмоқчи бўлсанг, қиз балоғатга етсин, кейин совчи кўясан. Ўшанда ишимиз бўлмайди. Аке ҳолда сен билан бошқача гаплашаман, — деди қизнинг амакиси Юсуф.

Юсуфнинг жаҳли тез, қизиққон, қолаверса, қишлоқчилик, ҳамият деган гап бор. Бу талабга Шермаматнинг сўзсиз рози бўлишдан ўзга чораси йўқ эди.

Бугун Мақсуданинг ота-онаси қариндошлариникига меҳмонга кетишган. Шу туфайли қиз билан учрашиши, дийдорлашиши, тўй ҳақида гаплашиб олиши мумкин. Аммо уларнинг қишлоғига анчагина йўл. Тунда борай деса ҳар бир хонадонда қопағон итлар бор.

Шундай ўй суриб юрган Шермамат кўчада дўстларидан бирини учратиб қолди. Учрашув нишонланди. Пайдар-пай кўтарилган қадаҳлар йигитларни сархуш қилди. Найманда эса саф янада кенгайди. Шермамат-

нинг икки ўртоғи Мақсуданинг амаки-ваччаларидан бирининг дўконида ароқхўрлик қилишаётган эди. Учрашув ҳақидаги гапдан хабар топган йигитлар унинг бир ўзини юбормай тўрттовлон бирга боришга қарор қилдилар. Бу пайтда тун яримлаб қолган, йигитлар эса ароқ таъсиридан анча қизишган, серган эдилар.

Улфатлар Мақсуданинг уйи томон йўлга тушишди. Улар орасида хонадон соҳибининг яқин қариндоши Бойқобил ҳам бор эди. Тўрт ўртоқ ҳовлига яқинлашиб, томорқага девор орқали ўтишди.

Шу пайт бемаҳалла юрган йигитларни сезиб қолган ит уларга ташланди. Хонадон соҳибининг онаси, қизлари ва ўғли Руслан ҳовлига чиқишди. Олапарнинг вовуллаши ва бир неча одамнинг қоронғиликка ўзини уриши уй эгаларини

янада сергаклантирди. Улар ўғри қелди, дея шовқин-сурон кўтарди-



лар. Воқеадан хабар топган Юсуф акасининг ўқланган милтигини олиб, «ўғри»лар изидан тушди.

Фулом Остонакулов узоқ қариндошларидан бири совға қилган 16 калибрли ов милтигини кўп йиллардан буён уйида

хуфиёна сақлаб келаётган эди. Тоғли жой эмасми, ов дегандай, ҳар қалай йиртқич ҳайвонлар ҳам йўқ эмас. Буни уйдагилар ва укаси Юсуф биларди, холос. Қоронғиликда «ўғри»лар ордидан бораётган Юсуфни кўзига ташланган кўланка сергаклантирди.

майиб қилиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Буйруғига бўйсунмагач, Юсуф қочиб кетаётган кишига қарата милтиқнинг тепкисини босди. Гумбурлаган ўқ овози қочоқни эсанкиратиб қўйди. Юсуф ва унинг жияни Руслан не кўз билан кўришсинки, қаршиларида ўз ҳамқишлоқлари Акмал

турибди. Улар «асир»ни хонадон томонга судрашди. Сўроқ-суриштирувлар ва кўрқитиш фойда бермади. У деярли ўзини билмас, энгил

яраланган, нима мақсадда ярим кечада бировнинг хонадонига тенгираб юргани сабабини изоҳлаб бера олмасди. Юсуф Акмалнинг қўл-оёқларини ип билан маҳкам боғлаб, уйга қамлади. Шу тариқа у тонг отгунча тутқунликда ётди. Қачонки, маҳалла оқсоқоли Адҳам Тоғаев воқеадан хабар топиб келгандагина унинг қўл-оёқларини ечиб, ички ишлар бўлимига хабар

беришди. Бу пайтда унинг шериклари Баҳодир, Бойқобил ва Шермаматлар ўзига келиб, тунги воқеани зўрға эслашарди. Тўйдан қайтган Фулом ва унинг хотини воқеадан хабар топгач хангу манг бўлишди.

«Акмални Юсуф отибди, у яралор бўлибди», деган гап аллақачон ҳаммаёққа тарқалганди. Бу Дехқонобод туман халқ таълими бўлимидагилар, айниқса, мактаб жамоасини ташвишлантирарди. Чунки Шермамат домланинг балоғатга етмаган қиз билан ишқий алоқаси, қизнинг мактабга анча вақтдан буён қатнамай қўйганлиги... Хуллас, ҳар ким ўзича фикр билдирар эди. Мазкур ҳолат бўйича аллақачон тезкор тергов-суриштирув ишлари бошланиб кетганди.

Туман прокурори, адлия маслаҳатчиси М. Ўзбеков, ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, капитан Б. Бердиалиевлар масала моҳиятини чуқур ўргандилар. Мақсуда хатни мен ёзмаганман, деб туриб олди. Аммо хатшунослик экспертизаси дастхат уники эканлигини тасдиқлади. Бу эса йигитларнинг хатти-ҳаракатида жинойат белгилари йўқлиги тўғрисида қарор чиқариш имконини берди.

Ов милтигини ноқонуний сақлаб келган Фулом ва ўқотар қуролдан ғайриқонуний фойдаланган, фуқаронинг қўл-оёғини боғлаб, қийноққа солган Юсуф Остонакуловлар қонун йўли билан жавобгарликка тортилдилар.

Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.

**К о ф е -
қаҳва дарахти доимо
ям-яшил бўлиб туради
ва йил бўйи ҳосил беради.
Баъзи ривоятларга кўра,
уни... эчкилар «ихтиро»
қилган. Қандай қилиб
дейсизми?**

Бир куни чўпон эчкилари ҳар қачонгидан серҳаракат, кувноқ бўлиб қолганини пайқаб қолибди. Чўпон уларни диққат билан кузатиб, қаҳва дарахти дуккагини ейишаётганини кўрибди. Ўзи ҳам қаҳва донидан еб кўрибди. Шундан кейин тетиклашганини сезибди.

Қаҳва донида кофеин моддаси бўлиб, у алкалоид туфайли ҳосил бўлади. Алкалоид дадил қилувчи, чарчоқни енгувчи, марказий асаб ва қон-томир тизимини кўзғовчи, таъсир кўрсатувчи сифатида қадрланади.

Қаҳванинг жаҳонга тарқалишига унинг уйқу қочиришлик хосияти сабаб бўлган. Қаҳва ўз номини Жанубий Африкадаги Кафа қишлоғидан олган экан. Чунки қишлоқ аҳолиси чангалзордаги ёввойи ўсимликнинг қаттиқ мевасини туйиб, қайнатиб ичишган. Кейинчалик уни араблар экишган. Араб мамлакатларида ўстириладиган қаҳва энг сифатли ҳисобланиб, европаликлар буни «кофе-маккао» деб аташади. Дастлабки қаҳва қопланган қоплар Европага Арабистоннинг Макка шаҳридан жўнатилган. Лондонда XVII асрнинг ўрталарида қурилган қаҳвахона – Виргония кафехаузе

хануз бор. Францияда 1690 йилга келиб 380 та қаҳвахона бўлганлиги маълум. Буюк француз ёзувчилари Жан Жак Руссо ва Франсуа Вольтер ўз асарларининг кўпини ана шу қаҳвахоналарда ёзишган.

Қаҳвага аталган поэма, ашулалар пайдо бўлади. Европа ва Америкада бу ичимликка талаб ғоят ошади. Натижада тупроғида қаҳва ўсадиган мамлакатлар мустамлака қилиб олинади. Шри-Ланка, Ява, Африка, Арабистон, Бразилия, Мексика сингари мамлакатларда йилига икки мартадан олинган қаҳва ҳосили билан ҳам жаҳон талабини қондириб бўлмагач, савдогарлар имитация,

деб қаттиқ ишонарди. Шунинг учун у ўлимга ҳукм қилинган бир жиноятчини бу «заҳар»дан қийнаб ўлдириш мақсадида унга ҳар куни бир пиёладан қаҳва ичиришни буюрган. Ҳар куни «заҳар» сифатида қора қаҳва ичган жиноятчи қиролдан анча йил кейин қазо қилган экан.

Қаҳва – хуш кайфият бериш билан бирга саломатлик хазинасидир. XVII асрнинг

ни тезлашади. Бироқ айнан қаҳва озишимга ёрдам беради, деб ўйласангиз, хато қиласиз.

● Қаҳва руҳсизликни енгади, тана аъзоларини тетиклаштиради.

● Қаҳва тошлардан ҳимоя қилади. Ўн йил давомида 40 минг нафар киши иштирокида ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ҳар куни 2 пиёладан 4 пиёлагача қаҳва ичган кишиларда

● Ҳар куни 3 пиёлагача ўткир қаҳва ичувчиларнинг 60 фоизи Альцгеймер касаллигига чалинмасликлари аниқланган.

● Қаҳва ишчанликни оширади, диққат-эътиборни тезда йиғиштириб олишни таъминлайди. Айни вақтда асабни кўзгамайди. Аксинча, ақлий зўриқиш ҳолатида бўлганларга тинчлантирувчи таъсир қилади.

● Қаҳвада кўк чойга нисбатан 4 барабар кўпроқ антиоксидантлар борлиги маълум. Антиоксидантлар бузилган ҳужайраларни қайта тиклаб турувчи «қурувчилар» вазифасини ўтайди.

● Кунига 3-4 пиёла қаҳва ичадиганларда жигар циррози хасталигига чалиниши кам учраб экан.

● Меъёрида ва лекин мунтазам қаҳва ичиб юрган киши юрак-қон касалликларига кам чалинади.

● Қаҳвани кекса, ҳомиладор, кам уйқу, қон босими юқори кишилар, юраги тез урадиган, меъда ширасининг кислоталилиги юқори бўлган беморларга, ич кетишига мойил одамларга тавсия этилмайди.

● Қаҳванинг кўзгаш таъсири саломатликка зарар етказмаслиги учун кунига 350 мг. дан ортиқ ичмаслик керак.

Қаҳвани шакар, қанд, қаймоқ, сут ва олча шарбати, лимон билан ичилса, янада хушбўй бўлади.

ҚАЙНОҚ ХАЗИНА

яъни сохта қаҳва ўйлаб топган. Сохта қаҳва омборлари Гамбургда жуда кўп бўлиб, XIX асрга келиб, улар мусодара қилинган. Қаҳвада бош оғриғини қолдирувчи дори – кофеин бор. Кофеин дастлаб қаҳвадан, сўнг чойдан олинган. Бу модда бошқа бирор ўсимлик таркибида мавжудлиги ханузгача аниқлангани йўқ.

Швед қироллиги тахтини 1792 йилгача эгаллаб турган Густав III бу қора ичимликни заҳар

шифокорлари «қаҳва ақлий кувват ато қилади» дейдилар. Физиолог Малешотт шундай ёзади:

«Қаҳва хотирани яхшилайдди, бирор нарсани диққат билан кўриш ёки тинглашни кучайтиради, ижодкорни илҳомлантиради... Уйқунини ҳайлайди».

● Қаҳва чой сингари чанқоқни босади, таом ҳазмини яхшилайдди, қоринни тўқ тутайди, бош оғриғини қолдиради, кишини тетик ва бақувват қилади. Қаҳва меъда (ошқозон)дан шира ажралишини кўпайтиради, ичак қисқаришини кучайтиради.

● Таом ҳазм бўлиш қийинлашган ҳолларда қаҳва яхши наф келтиради. Унинг таркибидаги кофеин, хушбўй моддалар ошқозон секретциясини кучайтиради, ичакни юриштиради.

● Қаҳвани мароми билан ичган кишида (кунига 2 пиёла) моддалар алмашишуви тезлашиши исботланган. Бунинг натижасида эса қўшимча равишда 50 дан 100 гача калория куйдирилади. Мабодо, қаҳва ичгандан сўнг 4 соат давомида чаққон ҳаракат қилсангиз (ёки жисмоний меҳнат билан шуғуллансангиз), ортиқча калориянинг куйиш жараё-

буйракда тош пайдо бўлиш хавфи 45 фоизга камаяр экан.

● Қаҳва никотиннинг танага салбий таъсирини юмшатади.

ҲАМ ЗИРАВОР, ДОРИВОР

Дафна – ҳар бир хонадоннинг, оиланинг ошхона бисотидаги зираворлардан бири. Халқ табобатида дафнанинг мевасидан ажратиб олинган мой-малҳам қўл-оёқ оғриғини қолдирувчи омил сифатида тавсия этилади. Унинг мевалари таранглашган асабни тинчлантирувчи восита сифатида қўлланилади, фалаж бўлганда, кувватсизликда малҳам бўлади. Янчилгани кишини аксаурдиради, назла ҳайдаб, мияни енгиллаштиради. Жигар ва талоқ шишларига, ичак оғриғига эм бўлади. Барги ва ёғи бош оғриғини яхшилайдди, кулоқнинг шангиллашига ва йиринг оқишини тўхтатишга ёрдам беради.

Халқ табобатида дафна мойи сурункали холесцистит ва ўт – тош хасталигида наф беради. Бунда 10-15 томчидан сут ёки қатиққа ё чойга аралаштириб, кунига 2-3 маҳал ичилади. Дафна баргининг сувдаги дамламаси қанд ка-

саллигида ишлатилади. Бунинг учун 2 ош қошиқ майдаланган дафна барги (20-40 дона) 400 мл. қайноқ сувга солинади, паст оловда 15 дақиқа қайнатилади, сузилади ва бир ош қошиқдан кунига 3 маҳал ичи-

лади. Баргининг қайнатмаси буғига тобланса (ўтирса) пешоб йўли ва халтаси, бачадон хасталикларида даво бўлади.

Дафна мойи қуйидагича тайёрланади: баргидан 30 гр. олинб, 200 гр., кунгабоқар мойига аралаштириб қўйилади, дам берилади, яъни 6 кун мобайнида сақланади. Дафна мойидан артрит, невралгия каби касалликларда фойдаланилади. Дафна мойи, баргининг сарриёғдаги аралашмаси шамоллаганда, бод, қўтир каби касалликларда суртма-дори сифатида яхши наф келтиради.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос.





**Атласидек очилган қизлар,
Табассуми сочилган қизлар,
Сиз баҳорни кутмадингиз, йўқ,
Баҳор сизни соғинган, қизлар!**

**Газетамиз саҳифаларида реклама ёки
эълон беришни истайсизми? Марҳамат!**
Мурожаат учун телефонлар:

139-73-88

139-75-37

Бизнинг электрон манзилимиз: urmvd@globalnet.uz



ҚАДРИЯТ

Қишлоғимизда Эрмат ота деган киши яшарди. Етти пушти боғбон ўтган ота мевали дарахтларни парваришлайди тенги йўқ миришкор эди. Унинг ҳовлисида эртапишар азим оқ ўрик бўлиб, у эрта баҳорда қийғос гулга кирарди. Биз учун баҳор ана шу дарахтдан бошланарди. Боғбоннинг ҳовлиси тепалик ён бағрида бўлгани учун унга узокдан қаралса бир сават гулдай яшнаб турарди. Айтишларича, уни Эрмат ота болалигида ўтқазган экан. Маҳалланинг рамзидай бўлиб қолган бу ўрик дарахтини, биз — болалар довуччилигиданоқ ейишни бошлардик.

Эрмат боғбон дадамнинг болаликдан қалин дўстлари бўлган. Ўртала-ридаги меҳр-оқибат жуда яхши эди. Айниқса, ўрик пишганда боғбон амакининг ўзлари чела-да ўрик олиб келардилар. Онам ундан мураббо тайёрлаб, қишга олиб кўярдилар.

Дадамнинг вафотлари-дан кейин у киши бизга отадай бўлиб қолгандилар. Тез-тез хабарлашиб турар-дик. Фарзандлари аллақачон уйли-жойли бўлиб кетган, ота невараси билан қадрдон уйда мевали кўчатлар етиштириш билан шугулланарди.

Ўтган йили кеч кузда отанинг невараси келиб мени йўқлаётганларини айтди. Ўзим вақтида бориб кўра олмаганим учун хижолат чекиб, эртасига иссиқ нон, қаймоқ олиб бордим. Боғбон ота қўлим-даги халтага қиё ҳам боқ-

ол, — дедилар қўлимга кетмон тутқазиб.

Айтганларини қилдим.

— Оқ ўриқка пайванд қилганман, ҳовлингга экиб қўй, мени эслаб юрарсан. Отанг ҳам оқ ўриқни яхши кўрарди, — деб қўшиб қўйдилар.

Ниҳолларни уйга олиб келиб, ўша кунгидеки экиб қўйдим. Орадан ўн кунлар

турганимни кўрган отанинг катта ўғли:

— Ёзда қуриб қолганди, отам мендан кейин ағдариб ўтин қилинлар, дегандилар, — деди дарахтга маънос боқиб.

Аёзли кунлар бошланди. Боғбон ота берган икки туп ниҳолни совуқ урмасин деб похол, плёнка билан ўраб қўйдим.

Кунлар илиб, яна кўклам нафаси эса бошлади. Дарахтлар куртак ёзиб, гуллашга чоғланарди. Эрмат боғбоннинг оқ ўриги эсимга тушди, мевасининг мазасини туйгандай бўлдим. Ўша кунни туш кўрибман. Боғбон ота ҳовлисидаги оқ ўрик гуллабди. Тагига қўйилган сўрида дадам билан Эрмат ота — икки дўст юзларида табассум, суҳбатлашиб ўтиришибди...

Ишга кетаётиб, ҳовлидаги ўрик ниҳолларига кўзим тушди. Ҳар бири беш-ўнтадан оппоқ гулга кирибди. Кўнглим ёришиб кетди. Кўчага чиқиб қишлоқ томонга қарадим. Ҳар хонадонда икки-учтадан гуллай бошлаган дарахтлар кўринарди. Эрмат боғбоннинг оқ ўриги қурмаган, у бутун қишлоққа ёйилиб кетгандай туюлди... Ҳа, чиндан ҳам шундай эди.

Содриддин ШАМСИДДИНОВ.

ОҚ ЎРИК



май, мени чорбоққа бошладилар.

Чоғроққина майдончада ота шафтоли, гилос, олма, ўрик, нок каби ниҳолларни пайвандлаб кўпайтирардилар. Қадли сал эгилган қўйи юриб, алоҳида турган иккита кўчатни кўрсатдилар.

— Мана буларни кавлаб

ўтиб, Эрмат боғбон бандалиқни бажо қилдилар. Маъракаларида ўғиллари қаторида турдим. Уч-тўрт кунгача таъзияга келганларнинг кети узилмади.

Бир ҳафталар ўтгандан кейин яна отанинг уйига бордим. Ҳовлида ўн чоғли йигит оқ ўриқнинг шохларини бутаб ағдаришга чоғланарди. Ҳайрон бўлиб



КРИПТОГРАММА

Авалло, қуйидаги халқ ҳикматларида келтирилиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб, очқични ҳал этинг.

1. Айрилган озар, бирлашган 9, 10, 6, 7.
2. Чиниққанга 8,6,3,14, уқмас.
3. Кўп ўйла, 4,10, сўйла.
4. Тикансиз гул, садафсиз 11, 13, 7. машаққатсиз хунар бўлмас.
5. Мол билан бой бўлма, 6,12,2 билан бой бўл.
6. Душман сирингни ўғирлайди, 11,9,5,15. хатоингни тўғрилайди.
7. Одам-оламнинг 4,2,15,1,3 тожи.

Энди жавоблардаги сўзлар асосида шаклнинг «очқич» қисмидаги айланалардаги рақамларни ҳарфлар билан алмаштиринг. Сўнг иккинчи шаклдаги чизиқли айланаларни очқичдаги мос ҳарфлар билан алмаштириб криптограммани ҳал этинг. Бунда сўз ҳақидаги икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.



Газетамизнинг азиз мухлислари!

Газетамизнинг янада мазмунли ва ранг-баранг чиқишида сизнинг фикрларингизни билиш ниятида-миз. Таклифларингиз бўлса, марҳамат, бизга кўнгиноқ қилинг!



Ҳафтанинг шанба ва якшанба кунлари эса қуйидаги телефон орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

(371) 139-70-40

Соат 9.00дан 21.00гача

ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: Беш. Омск. Мао. Фарёд. Дилфуза. Лак. Ола. Атир. Рай. Оқил. Ижозат. Мусо. Элат. Азамат. Гал. Овчарка. Ариза. Бал. Сиймо. Торт. Акробат. Ошхона. Давр. Заиф. Ом. Шаҳзода. Мум. Доир. Амин. Фиат. Скафандр. Маза. Азим. Рол. БЎЙИГА: Чотқол. Рид. Али. Давлат. Завод. Оми. Макр. Амал. Шифо. Соф. Бовари. Лаб. Алсу. Захира. Лаззат. Таом. Қамар. Омад. Идиш. Фазо. Итузум. Фан. Разил. Асабий. Нам. Эфир. Тот. Омо. Евро. Ювош. Хамир. Адл. Ато. Агроном. Квас. Акрам. Ўлат.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

Bosh muharrir
Aziz ERNAZAROV

Bosh muharrir o'rinbosari
Murod TILLAYEV
Mas'ul kotib **Erkin SATTOROV**

Navbatchi: **Qobiljon Shokirov**
Sahifalovchilar: **Zokir Boltayev**
Nikita Slavgorodskiy
Matn ko'chiruvchi: **Gulnora Sodiqova**

Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart. Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar. Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta haftaning shanba kunlari chiqadi.

Kelgusi sonda uchrashguncha xayr!

MANZILIMIZ:
700029, Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 132-24-60;
Kotibiyat 139-73-88. Faks 132-05-51
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami
20210000700447980001, MFO
00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik
investitsiyaviy tijorat bankinging
Mirzo Ulug'bek bo'limi.

«O'zbekiston» nashriyot-
matbaa ijodiy uyi
bosmaxonasida chop etildi.
Korxonada manzili: Alisher
Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va Axborot agentligida 2003 yil 24 noyabrda 007 raqam bilan ro'yatga olingan. Buyurtma J-2138. Bosilish - ofset usulida. Hajmi - 6 bosma taboq. 55956 nusxada chop etildi. Obuna raqamlari: Yakka tartibda - 180. Tashkilotlar uchun - 366. Bosishga topshirish vaqti - 23.00. Bosishga topshirildi - 23.00. @ - Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.